Книга. ... УзССР Давлат китоб палатасининг ... ИВВ. ... Книжная палата УзССР

Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 134 (8.332) ◆ 1993 йил 29 июль, пайшанба ◆ Нархи 10 сўм.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ: ИЛК САМАРАЛАР

● СУРАТЛАРДА: Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда.

27 июль куни Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, концерн, корпорация ва уюшмалар раҳбарлари, вилоят ҳокимлари иштирок этдилар.

Йиғилишда асосан иқтисодий ислоҳотнинг амалга оширилиши ҳамда республика халқ хўжалиги тармоқларининг 1993 йил биринчи ярмидаги иш якунлари муҳокама қилинди.

Республика Бош вазири А. Муталов йиғилишни очиб, жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кўриш, ташқи иқтисодий фаолиятда янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ишлари давом эттирилганини таъкидлади. Иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришда ишлаб чиқаришдаги барқарорликка эътибор қаратилди. Натижада 1992 йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши 9,6 фоизни ташкил этган бўлса, шу йил биринчи ярим йиллигида 3,3 фоиз бўлди.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, деди Бош вазир, ўтган йилдагига нисбатан 106, нефть — 117, газ — 104 фоизни ташкил этди. Кўплаб янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лекин халқ хўжалигидаги аҳвол ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Хусусан, 140 саноат корхонасидан 74 тасида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми пасайтирилган. Мавжуд қўшма корхоналардан 20 фоизи маҳсулот ишлаб чиқаради, холос. Кимё ва қурилиш материаллари саноатидаги аҳвол айниқса ташвишлидир. Сирдарё, Тошкент вилоятларида ислоҳотнинг амалга оширилишини ўрганиш ҳам шундан далолат беради.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокими С. Сайдалиев, «Ўздавкимёконцерн» раиси М. Мирхўжаев, Сирдарё вилояти ҳокими Б. Маҳмудов, «Ўзқурилишматериаллари» концерни раиси И. Искандаровнинг ҳисоботлари тингланди.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов йиғилишда нутқ сўзлади.

Узбекистон қишлоқ хўжалигининг шу йил биринчи ярмидаги иш якунларини муҳокама қилар эканмиз, деди Президент, қуйидаги жиҳатларга алоҳида аҳамият бермоғимиз керак. Биринчидан, мустақил давлатимизнинг олдига қўйган мақсади — иқтисодий ислоҳотлар натижасида халқ хўжалиги тармоқларини бозор иқтисодиётига ўтказиш борасидаги амалга оширилаётган ишларга баҳо бериш. Иккинчидан, ана шу ислоҳотларнинг таъминотда, халқ турмушини яхшилашдаги дастлабки натижалари нималардан иборат? Учинчидан, аҳоли эҳтиёжини қондириш, уни иш билан таъминлаш — ишлаб даромад топиши учун шарт-шароит яратиш борасида нималар қилинмоқда? Тўртинчидан, ана шу иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги дастлабки тажрибалардан хулоса чиқариш, бунда вилоят ва халқ хўжалиги тармоқларининг раҳбарлари қандай ўрин тутаётгани хусусида фикрлашиб олиш зарур, деб ўйлайман.

Иқтисодий ислоҳотдан мақсадимиз нима? Буни ким қандай тушунади? Биз аввало шуни аниқлаб олишимиз керак.

Мақсад — республика халқ хўжалиги тармоқларини бозор иқтисодиёти шароитига ўтказиб, четдан олиб келинаётган маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб Узбекистоннинг тўла иқтисодий мустақиллигига эришмоқдир. Бу эзгу мақсад йўлида нималар қилинди? Қандай ижобий ўзгаришлар бор ?

Шуни таъкидлаш жоизки, бизда бозор иқтисодиётининг пойдевори — давлат тасарруфидан ташқаридаги мулк пайдо бўлди. Бу, табиийки, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Бу иш уй-жой, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат, савдо соҳаларида жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Фуқароларга томорқа ажратилгани деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилгани ҳам ижобий натижа бера бошлади. Биргина мисол: шу йилнинг биринчи ярмида етиштирилган гўштнинг 68 фоизи хусусий ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади.

Яна бир ижобий хусусият — иқтисодиётни бошқариш усулининг ўзгараётгани, маъмурий-бўйруқбозлик ўрнини ўзўзини бошқариш тамойили эгаллаётганидир.

Республикада тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида махсус банк очилди, алоҳида жамғарма тузилиб, Вазирлар Маҳкамаси мазкур соҳани тараққий эттириш учун 500 миллион сўм маблағ ажратди.

Хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ишлаётган қўшма корхоналар фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Уларнинг сони 800 дан ортади.

Иқтисодий тангликдан тезроқ чиқиш, етишмаётган молларни ўзимизда ишлаб чиқариш мақсадида капитал қурилишга ажамият берилмоқда, янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда. Шуниси қувончлики, капитал қурилишига сарфланаётган маблағнинг 63 фоизи корхона ва ташкилотларнинг ишлаб топган сармоясидир.

Республикада аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш изчиллик билан амалга оширилмоқда. Собиқ Иттифоқнинг баъзи давлатларидагидек халқни юпун ҳолга тушириб қўймадик. Бизда чиқиндиларни титиб юрадиган гадойлар йўқ, бўлмайди ҳам!

Хуллас, меҳнаткаш халқимиз бор, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш учун шароит бор, бой маданий меросимиз бор, Узбекистонни буюк давлатга айлантиришдек буюк ниятимиз бор, деди Ислом Каримов. Лекин ана шу интилишларимиз, ўтказаётган ислоҳотимиз жойларга етиб боряптими? У ердаги ҳокимлар, катта-кичик раҳбарлар ислоҳот тарафдорими, йўқми? Тарафдори бўлса, нега бу ишлар сусткашлик билан амалга оширилмоқда?

Мисол тариқасида Сирдарё вилоятини олиб кўрайлик. Бу ерга 287 деҳқон-фермер хўжалиги ҳали иш бошламасдан фаолиятини тўхтатган. Тўғрироғи, шунга мажбур бўлган! Ахир, банкда ҳисоб рақами очиш, кредит олиш, уруғ, техника ажратиш муаммо бўлса, бу йўлда ўнлаб тўсиққа дуч келинса, арзини эшитадиган одам тополмаса нима қилсин? Раҳбарлар қаёққа қараяпти? Боз устига, аҳоли тиғиз бўлган Фарғона водийсида ҳар бир фермерга 20 гектардан ер тўғри келгани ҳолда, Сирдарёда бу кўрсаткич 4,5 гектарни ташкил этади. Нима, Сирдарёда ер камми? 1992 йилда вилоят эҳтиёжига зарур сутнинг 52, сариёғнинг 64, картошканинг 79 фоизи четдан келтирилганига нима дейсиз? Ёки Сирдарёда мол боқиб бўлмайдими, картошка битмайдими?

Замон билан ҳамқадам бўламан деган раҳбарнинг вазифаси — одамларга ишлаш, даромад қилиш учун шароит яратиб бериш, шу йўл билан уларнинг моддий фаровонлигини оширишдир. Акс ҳолда, уларнинг ислоҳотлардан ихлоси қайтади, эртанги кунга бўлган ишончи сусаяди. Вилоятда ўртача маош ойига 7,5 минг сўмни ташкил этиши одамлар тақдирига бефарқликдан ўзга нарса эмас.

Бундай камчиликлар бошқа кўпгина вилоятларда ҳам учрайди.

Биз хусусийлаштириш ҳақида кўп гапирамиз. Мана, бир мисол: шахсий хўжаликлардаги ҳар бир сигирдан 2500 килограмм, давлат ва жамоа хўжаликларида эса атиги 960 килограммдан сут соғиб олинади. Шундай экан, Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги ўн бир фермадан фақат биттаси хусусийлаштирилганига нима деса бўлади?

Маълумки, қишлоқ хўжалиги — республика иқтисодиётининг энг кўламли, ҳал қилувчи бўғинидир. Узбекистоннинг тақдири кўп жиҳатдан шу соҳанинг қандай ривожланишига боғлиқ. Шундай экан, жойлардаги раҳбарлар фермерларга ҳар жиҳатдан ёрдам беришлари, ишбилармонлик, ташаббускорлик йўлидаги ғовларни бартараф этишлари лозим. Ердан оқилона фойдаланиш, унинг унумдорлигини ошириш ва илмий асосланган алмашлаб экишни жорий этишда уларга олимларимиз яқиндан ёрдам бермоқлари даркор.

Бу йил кузда 750 минг гектар суғориладиган ерга ғалла экилади. Ундан олинадиган ҳосил республиканинг донга эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бундан ташқари 15 минг гектар майдонга Голландия усулида картошка экиш режалаштирилмоқда. Ундан ўрта ҳисобда 450 минг тонна ҳосил олиш мумкин. Бу Россия, Беларусь мамлакатларидан келтирилаётган 400 минг тонна картошка ўрнини қоплайди. Алмашлаб экишни такомиллаштиришда фақат бедага ёпишиб олмасдан ана шу режалар ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Иқтисодий ислоҳотлар йўлидаги тўсиқлардан яна бири, деди Президент, айрим корхоналарнинг ишлаб чиқаришдаги якка ҳокимлигидир. Хусусан, «Ўздавкимёконцернга қарашли корхоналар электр қуввати ва газни давлатдан арзон нархда олганига қарамай, минерал ўғитлар баҳосини осмонга чиқариб, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига зарар етказмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми камайиб бораётир. Афсуски, концерн раҳбарияти танқиддан тўғри хулоса чиқармаяпти. Жиддий чора кўриш пайти келмадимикан?

«Ўзқурилишматериаллари» концернига қарашли Ғазалкент ойна заводини олиб кўрайлик. Бу ерда рентабелликни назорат қилиш яхши йўлга қўйилмаганидан фойдаланиб, маҳсулот нархи сунъий равишда ошириляпти. Натижада қурувчилар қийин аҳволга тушиб қолмоқда. Афсуски, бундай корхоналар кўп. Қўрғонтепа ғишт заводининг тўхтаб қолгани ҳам қурилиш ишларига катта зарар етказди. Бу аҳволдан қутулишнинг йўли рақобатни юзага келтириш — кўплаб турдош корхоналар қуришдир.

Яқинда хорижлик меҳмонларни қабул қилдим. Улар суҳбат чоғида: «нимадан хурсандсиз-у, нимадан хафасиз?» деб савол берди. Ушандаги жавобимни сизларга ҳам айтмоқчиман, деди Ислом Каримов. Мен шундан хурсандманки, аста-секин бўлса-да, жамият, одамлар ўзгаряпти, ишбилармон, тадбиркор, мураккаб муаммоларни еча оладиган янги авлод дунёга келяпти. Бизнинг вазифамиз ана шу ёш авлод қалбига ота-боболаримиздан қолган буюк виқорни, «Биз дунёда ҳеч кимдан кам эмасмиз!» деган ғурур ва ишончни сингдирмоқдир. Ана шу ишонч билан дунёга чиқмоқ, ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибасини ўрганмоқ лозим. Ҳозирги даврда хориж билан алоқа қилмаган меҳнат жамоаси ҳеч нарсага эриша олмайди.

Кўнгил тўлмаётган жойига келсак, ўн йиллар давомида миямизга сингиб кетган боқимандалик касалидан қутула олмаётганимиздан таассуф қиламан. Битта мисол келтирай: ҳозир республикада 111 та давлат хўжалиги зарар кўриб ишламоқда. Бундай хўжаликларни тезда давлат тасарруфидан чиқариш, зарар келтираётган, ўзини маблағ билан таъминлай олмаётган корхоналарга қарз беришни тўхтатиш лозим.

Кейинги пайтда ишсизлик муаммоси тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Баъзилар боя айтилган корхоналар ёпилиб қолса, ишсизлар кўпайиб кетади, деган хавотирда юрибди. Аввало, биз янги, аҳоли талабига мос маҳсулот ишлаб чиқарадиган цех, корхоналар қуриб иш ўринлари ташкил этишимиз, имкони борича барчани иш билан таъминлашимиз лозим. Бу юмуш айниқса вазирлик ва вилоят раҳбарларининг диққат-эътиборида туриши, қаерга нима қуришни улар бамаслаҳат ҳал этишлари керак. Қолаверса, давлат ҳеч кимни кўчага ташлаб қўймайди, вақтинча иш тополмаётганларни муҳофазасига олади.

Амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларимизнинг илк самараларини кўрдик, деди Ислом Каримов пировардида, эндиги вазифа уларни собитқадамлик билан давом эттириш, йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, бартараф эта бориш, энг муҳими — одамларнинг ислоҳотга ишончини сўндирмасликдан иборат. Бу вазирликлар, давлат қўмиталари, концерн, корпорация раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари зиммасига жуда катта масъулият юклайди, уларнинг эски ақида ва одатларидан воз кечиб, замон билан ҳамнафас бўлишларини тақозо этади.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июль куни Қозоғистон Республикасининг пойтахти Алмати шаҳрига жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президентни республика Олий Кенгаши Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов, Ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

* * *

АЛМАТИ, 28 июль. ЎзА махсус мухбири Л. Левин телефон орқали хабар қилади: бугун Қозоғистон пойтахти бу ерга амалий ташриф буюрган Узбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовни самимий кутиб олди.

Икки президентнинг бу учрашуви ҳақида май ойида Нурсултон Назарбоев Тошкентга борган вақтда келишиб олинган эди. Учрашувнинг асосий вазифаси — етилган иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, ўзаро манфаатли икки томонлама муносабатларни ривожлантириш йўлларини белгилаб олишдир.

Ислом Каримов Узбекистон миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволига жавобан бундай деди:

— Қозоғистон билан Узбекистон азалий яхши қўшни ва ҳамкорлардир. Минтақадаги икки йирик мустақил давлатнинг ҳозирги ўтиш давридаги мақсадлари бир хил. Биз республикаларимиз ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларини чуқурлаштиришга тааллуқли ҳужжатларни имзоламоқчимиз. Иқтисодиётни бирлаштириш муаммоларини муфассал кўриб чиқишимиз, республикаларимизнинг жуда улкан салоҳиятларидан қандай қилиб яхшироқ фойдаланишни ўйлаб кўриш зарур. Табиат ресурслари, мавжуд моддий-техника, саноат имкониятлари шулар жумласидандир.

Икки давлат бошлиқларининг Алматидаги учрашувидан олдин мутахассислар гуруҳи ишлади. Мутахассислар кўриб чиққан муҳим масалалар орасида Узбекистонга Қозоғистон донини етказиб бериш масаласи ҳам бор эди. Учрашувда бу хусусда қандай қарор қабул қилиниши кейинроқ маълум бўлади. Аммо, республикамизда Қозоғистон ғалласи келтирилишига умид қилса бўлади. Чунки мутахассислар ғаллани океан ортидан келтиргандан кўра, қўшнилардан сотиб олиш яхшироқ, дейишмоқда.

Нурсултон Назарбоевнинг фикри билан танишинг:

— Марказий Осиё минтақасидаги умумий вазият кўп жиҳатдан Узбекистон билан Қозоғистоннинг тутган йўлига боғлиқлиги сир эмас. Россияда пулни алмаштириш билан боғлиқ пала-партишликлар бизни ҳам ташвишга солаётганлиги табиийдир. Ҳозирча биз рубль зонасида эканмиз, бундай вазиятда умумий стратегияни ишлаб чиқишимиз, бу масалада бир хил, иш тутишимиз зарур. Республикаларимиз Россия билан муносабатларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан манфаатдордир. Лекин бу муносабатларни янги, тағин ҳам адолатли негизга қурадиган пайт келди. Қозоғистон билан Узбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли бирлашувни чуқурлаштириш тўғрисида гапирадиган бўлсак, иқтисодиётни бирлаштириш жуда зарур ва уни ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўймоқда. Президент Ислом Каримов билан мен Тожикистон—Афғонистон чегарасидаги ҳозирги аҳволни эътиборсиз қолдира олмаймиз: давлатларимизнинг манфаатлари, халқларимиз хавфсизлигини таъминлаш бу соҳада ҳам ягона ёндашувни, муштарак қарорлар қабул қилишни тақозо этмоқда.

Шу куни икки давлат бошлиқлари ўртасида музокара бошланди. Музокара Қозоғистон президентининг шаҳар ташқарисидаги қароргоҳида ўтмоқда.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Электроника, энергетика, алоқа, тиббиёт соҳасидаги маҳсулотлари жаҳондаги 90 тадан кўпроқ мамлакатда машҳур бўлган Германиянинг «Сименс» компанияси вакиллари Тошкентга келдилар. Улар республика алоқа, ташқи иқтисодий алоқалар вазирликларида, Ўрта Осиё кабель илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. «Сименс» фирмаси вакиллари яна қатор бошқа вазирликлар, корхона ва ташкилотлар фаолияти билан танишадилар, ўзаро ҳамкорлик қилиш имкониятларини ўрганадилар.

● «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси иккинчи А—310 евроаэробусини харид қилди.

● Европа таъмирлаш ва тараққиёт банкининг энергетика соҳасидаги мутахассислари икки ой давомида Ўзбекистондаги қатор электр станциялари, корхона ва ташкилотлар имкониятлари билан танишиб, бу соҳага хорижий сармоялар қўйиш юзасидан ўз таклифларини ишлаб чиқдилар.

● Сўнгги ойнинг ўзида Хоразм вилоятида ўттизтадан кўпроқ чорвачилик фермаси давлат тасарруфидан чиқарилди.

● «Янгийўл» ижара мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси бутловчи буюмларининг 30 фоизини ғўзапоядан тайёрланган плиталар ташкил этмоқда.

● Зарафшонда «Амонт» Узбекистон—Америка қўшма корхонаси заргарлик буюмлари ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда йил охиригача 5 миллион долларлик тақинчоқ ясаш режаланмоқда.

● «Халқаро мерос» уюшмаси ташаббуси билан бир гуруҳ америкалик ёшлар Ўзбекистонга икки ҳафтага меҳмон бўлиб келдилар.

● Узбекистон яна етти ойдан сўнг Норвегиянинг Лилихаммер шаҳрида ўтказиладиган Қишки олимпиада ўйинларида иштирок этиш истагини билдирди. Бу ўйинларда фристайл ва муз устида учиш усталари республикамиз шарафини ҳимоя қиладилар.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Сочида абхаз-грузин қуролли тўқнашуви зонасида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битим имзоланди. Унга кўра бугундан эътиборан бу ерда грузин-абхаз-россия муваққат назорат гуруҳлари ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимга риоя этилишини назорат қилиб туради.

● Озарбайжон Президенти вазифасини бажарувчи Гейдар Алиев Арманистон бу республиканинг Ағдам туманини босиб олганлиги муносабати билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашини зудлик билан чақиришни талаб этди.

● Россия Президентининг фармони билан мудофаа вазири Виктор Баранников ўз вазифасидан бўшатилди.

● Туркманистон давлат статистика комитети маълумотларига кўра шу йилнинг биринчи ярмида бу давлат даромадлари харажатларидан 45 миллиард рубль кўп бўлган.

● Би-би-си радиосининг хабарига кўра Тожикистон ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари фуқаролар уруши натижасида заҳмат чеккан 560 мингдан кўпроқ тожик фуқароларига ёрдам кўрсатиш тўғрисида бир битимга келдилар.

● 3 августдан эътиборан Грузия ҳудудида Миллий банк купони савдо-сотиқда ягона қонуний тўлов воситаси бўлади. Шу кундан бошлаб рубль Грузия ҳудудида хорижий валюта мақомига эга бўлади ва чакана савдода ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида улар билан ҳисоб-китоб қилиш учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилади.

● Туркманистон ҳукумат делегацияси миллий валюта — манат тайёрлашни тезлаштириш мақсадида Англия пойтахти Лондонга жўнаб кетди.

ХОРИЖДА

● Исроил армиясининг Жанубий Ливандаги жанговар ҳаракатлари тўрт кундан бери давом этмоқда. Бу давр ичида Исроил учувчилари 500 тага яқин жанговар парвоз қилдилар ва Жанубий Ливан ҳудудига 10 мингтадан кўпроқ артиллерия снарядлари ёғдирдилар.

● Бельгия ҳукумати ўз армиясини Франция ва Германия томонидан ташкил этилаётган Европа корпусига қўшишга қарор қилди. Бу бирлашган қуролли кучлар 1995 йил 1 январигача тузилиб бўлиши керак.

● 1994 молиявий йилда АҚШда мудофаа мақсадларига 263 миллиард доллар ажратиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси маъқулланди.

● Бугун Японияниянг Хоккайдо оролида «Сиротеко—93» халқаро мусиқа фестивали очилади. 2 августгача давом этадиган бу санъат байрамида Узбекистондан «Ялла» дастаси ҳам иштирок этмоқда.

Бугунги кун нафаси

Ихтисослашган тартибда

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»нинг ўқув ишлаб чиқариш жамияти қошида очилган хўжалик ҳисобидаги нон заводи маҳсулотларига бўлган талаб тобора ортмоқда. Чунки бу ерда асосан оби нон ёпилади. Кейинги вақтда корхона мутасаддиларининг изланишлари туфайли нон ёпиш цехларининг айримлари қайта таъмирланди ва баъзилари ўрнига янги дастгоҳлар ўрнатилди. Шунинг учун ҳам «Ўзбекбирлашув»га қарашли кооператив билим юрти ҳудудида оби нон ёпадиган махсус цех очилди. Бу ерда оби нон ёпиш технологиясига мос замонавий ускуналар ўрнатилган.

Воҳид АЗИЗОВ.

* *Қурувчилар куни олдидан*

ИШЧИЛАР УЙЛИ БЎЛИШДИ

ТОШКЕНТ трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси мутасаддилари ўз ишчи ва хизматчиларининг иш ҳақини босқичма-босқич ошириб бориш билан бир қаторда уларни ижтимоий ҳимоялаш борасида ҳам анча ишларни амалга оширишмоқда. Тушликнинг бир қисмини қоплаш, дам олиш масканларига йўлланма ҳақини имтиёзли баҳоларда ишчиларга бериш шулар жумласидандир.

Шунингдек бошқарма кейинги вақтларда жамоани уй-жой билан таъминлаш борасида ҳам анча ишларни амалга оширди. Жумладан, яқинда «Сергели—5, 6» даҳаларида ишчиларга аталган иккита уй фойдаланишга топширилди. Ҳар бири 36 хонадондан иборат бўлган бу турар жой биноларида қурилиш ишларини Тошкент давлат-ҳиссадорлик қурилиш корпорациясига қарашли 1-уйсозлик комбинати бунёдкорлари бажаришди.

Биринчи уйнинг умумий сатҳи 3499, иккинчисиники эса 2780 квадрат метрни ташкил этади. Айни пайтда мазкур 9 қаватли уйларга бошқарма ишчи ва хизматчилари кўчиб киришмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ.

* *Спорт*

Номдор рақиблардан ҳайиқмай

ЖАМБУЛДА аёллар жамоалари ўртасида сув полоси бўйича «Шарқ Кубоги» халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда Палермода бўладиган жаҳон кубоги баҳсларига ҳозирлик кўраётган Қозоғистон ва Россия миллий терма жамоалари, Евроосиё ассоциацияси чемпионатининг олий лигасида етакчилик қилаётган Жамбул ва Олмаота шаҳарлари жамоаларининг етакчи ўйинчиларидан таркиб топган 2-Қозоғистон терма жамоаси, Қозоғистон ёшлар терма жамоаси ва Қарағанда, Грузия вакиллари иштирок этадилар.

«Шарқ кубоги» турнирининг бош совринни Қозоғистон биринчи терма жамоасига, иккинчи ўрин россияликларга насиб этди. Шундай номдор рақиблар билан куч синашган Тошкентнинг «Ўртоқ» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

Шуҳрат ЗОКИРОВ.

ҚАДР ТОПАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕК-ҳинд дўстлик алоқалари тобора кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бунда жойларда ташкил этилган байналмилал дўстлик клублари муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Шу ўринда ҳинд халқининг асл фарзанди Рабиндранат Тагор номи билан аталаётган байналмилал дўстлик клуби жўшқин фаолият кўрсатаётганини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Мазкур клуб 1956 йил Тошкентдаги 24-ўрта мактабда очилган эди. Эндиликда Шастри номига қўйилган мазкур билим юртида клуб фаолиятини жонлантириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Ҳозир клубда турли тўгараклар ишлаб турибди. Масалан, «Ҳинд адабиёти» тўгараги ўқувчиларни кўҳна ҳинд халқининг бой бадиий ижодиёти билан баҳраманд қилишда муҳим роль ўйнамоқда. Шунингдек, клуб ҳузурида ёш рассомлар, нутқ ўстириш тўгараклари ҳам ташкил этилган.

— Билим даргоҳимиз ҳинд диёрининг Бхопале шаҳридаги мактаблар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини боғлаган, — дейди мактаб директори Ш. Икромов. — Бхопаллик ўқувчилар клубимизга кўпгина совға-саломларни юборишди. Бу армуғонлар мактабимизда очилган дўстлик музейига топширилди.

Музей яқинда яна қатор қизиқарли экспонатлар билан бойиди. Ҳиндистоннинг Узбекистондаги элчихонаси ушбу музейга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Тортиқ қилинган адабиётлар музейнинг қизиқарли экспонатларига айланиб қолди. Элчихона совға қилган бу нашрлар ҳинд ва урду тилларида чоп этилган бадиий илмий-методик адабиётлардан иборатдир. Шунингдек, ҳиндча луғатлар ва журналлар ҳам бор.

Клубнинг ёш рассомлар тўгараги фаолияти ҳам жонланиб қолди. Умидли ёш истеъдодлар томонидан чизилган расмлар жамланиб, кўргазма ташкил этилди. «Ҳиндистон менинг тасаввуримда» деб номланган танловда бу расмлардан кўпи ижобий баҳоланди.

Саодат ОДИЛОВА.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИДА

Эллиққалъа туманида яшовчи фуқаро Юсуфбой Отажонов ўлкани ўрганиш музейидан қимматбаҳо металлдан эрамиздан олдинги биринчи-иккинчи асрларда зарб этилган танга ўғирланганги ҳақида Узбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ариза билан мурожаат қилди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу танга бебаҳо тарихий ёдгорлик бўлиб, Узбекистон Республикасининг миллий бойлиги ҳисобланади.

Тергов маълумотларига қараганда, тангани «Эрк» демократик партиясининг фаоли ўғирлаб, шу партиянинг раҳбариятига топширган.

Ҳозирги вақтда ўғирланган ёдгорликнинг қаердалиги номаълум.

Жиноятни Тошкент шаҳар прокуратураси текширмоқда.

Маҳалладош

«МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ВА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ҚЎШ САҲИФАСИ

** «Маҳалла» дастури қандай бажарилмоқда?*

ИЖТИМОИЙ СОҲАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

САҒБОН кўчасининг Қўштут ўтувида яқин бир танишимиз истиқомат қиларди.

— Қаранг, болам, пойтахт яқинидаги қишлоқларга ҳам табиий газ келди, — дерди у киши маҳалламизга ташриф буюриб қолганларида. — Аммо бизнинг кўчалар бунёд бўлганига кўп йиллар бўлгани билан ҳануз газ киритилмаган. Ўй бекалари қийналиб яшашяпти...

Бугунги кунда пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмидаги кўплаб кўчалар қатори Сағбон ҳам табиий газ билан таъминланмоқда. Афсуски, шу кунларни орзу қилган яқин танишимиз оламдан ўтдилар. Бироқ уларнинг фарзандлари, неваралари бундай қулайликдан баҳраманд бўладиган бўлишди. Чунки «Маҳалла» дастури бўйича биринчи галда аҳолининг табиий газ, водопровод суви ва канализацияга муҳтож қисмининг эҳтиёжи қондириляпти.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш зарурки, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шу йилнинг охиригача пойтахтимиздаги маҳаллаларни газлаштириш ишлари жадаллашиши мўлжалланяпти.

Олти ой давомида 37 километр узунликдаги газ қувурлари ўтказилди. Ҳозиргача бу соҳадаги йиллик режа ҳам адо этилди. Қувончлиси шундаки, Тошкент шаҳар Ҳокими Атҳамбек Фозилбековнинг фармойиши билан яна қўшимча юз километр узунликдаги газ қувурлари ўтказиш кўзда тутилган. Айни пайтда Собир Раҳимов туманидаги маҳаллаларда 13715,3 минг сўмлик, Миробод туманида 3079,3 минг сўмлик, Бектемир туманида 778,9 минг сўмлик қурилиш-созлаш ишлари амалга оширилди. Бошқа туманларда бажарилган ана шундай хайрли ишларни ҳам мисол сифатида келтириш мумкин.

— Маҳаллаларга яна қўшимча юз километр узунликдаги газ қувурларини ўтказиш учун шаҳримиздаги барча мутасадди ташкилотлар шай туришибди, —дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари Б. Ҳусанбоев. — Фақат бундай улкан вазифанинг бажарилиши Ўзбек темир шартнома савдоси идораси раҳбарларига боғлиқ. Улар кўзда тутилган қувурларни ўз вақтида етказиб беришса, маҳаллалар кўзда тутилган қулайликдан баҳраманд бўладилар. Албатта, Тошкент шаҳар газлаштириш ва газ билан таъминлаш бошқармасининг ходимлари ҳам ўз куч-ғайратларини аямасликлари зарур.

«Маҳалла» дастурининг бажарилишида бундай натижаларга эришилаётганлиги қувончлидир. Очиқ тан олиш керак, илгари кўп йиллар давомида маҳаллалардаги ижтимоий муаммолар ўз ечимини топмай келди. Республикамиз ҳукумати, Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракати билан маҳаллаларга эътибор кучайтирилгандан бери аҳолига кенг қўламдаги қулайликлар яратилмоқда. Ўз навбатида Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга мўлжалланган «Маҳалла» дастурининг бажарилишини қатъий назорат қилиб келяпти. Шаҳар Ҳокимининг ўринбосари Б. Ҳусанбоев раҳбарлигида ҳар ойда дастурнинг бажарилиши мутасадди ташкилотларнинг бошлиқлари иштирокида босқичма-босқич таҳлил қилиниб, режалар белгилаб бориляпти.

Шу боисдан ҳам «Маҳалла» дастурининг бажарилиши бўйича олти ойлик якунлар асосан кўнгилдагидек. Масалан, сув тармоқлари қурилишини олиб кўрайлик. Шаҳар бўйича йил давомида 23 километр масофадаги сув қувурлари таъмирланиши кўзда тутилган. 6 ойда 11,4 километрга бажарилди. Акмал Икромов туманидаги Катта Қаъни маҳалласининг Ҳақиқат, Иттифоқ, Шарқ кўчаларида ана шундай юмушларни бажариш учун 3 миллион 497 минг сўмлик маблағ сарфланди.

С. Раҳимов туманидаги Иброҳимов маҳалласида 1,62 километр узунликда қувурлар ўтказилди. Шайхонтоҳур туманидаги маҳаллаларга, эса 6 ой давомида сув қувурларини таъмирлашга 7 миллион 858 минг сўм сарфланди.

Ижтимоий иншоотлар қурилиши бўйича ҳам улкан ютуқлар қўлга киритилди. Режага кўра Акмал Икромов, Улуғбек, С. Раҳимов туманларида 3-чорак давомида мактаб биноларига қўшимча хоналар қуриб берилади. Сергели туманида ҳозиргача қурилиш-созлаш ишларига 14 миллион 100 минг сўм маблағ сарфланди. Капитал қурилиш Бош бошқармаси Чоштепа даҳасида 480 ўринли болалар боғчасини бунёд этяпти. «Ўрикзор — 2», Бешқайрағоч, Янгиобод, Қорақамиш даҳаларида ҳам поликлиника, соғлиқни сақлаш пункти, озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳри бўйича йил давомида 78 километр оқава сув ва чиқиндилари тармоқлари ўтказилиши мўлжалланган. 6 ойда 47,8 километр масофага қувурлар ётқизилди. Бу йиллик режанинг 61,2 фоизи демакдир. Айниқса Бектемир ва Мирзо Улуғбек туманларида кенг кўламдаги ишлар бажариляпти. Биргина Мирзо Улуғбек туманида 6 ойда 5, 9 километр масофадаги қувурлар ётқизилди. «Гулистон» маҳалласидаги Боксёр ва Эстон кўчаларида 16 миллион 621 минг сўмлик иш бажарилган. Оқава сув ва чиқиндилари тармоқларини ўтказишда «Сувсоз» трестининг қурилиш-созлаш бошқармаси, «Арго» ширкатининг жамоалари айниқса жонбозлик кўрсатишяпти.

— «Маҳалла» дастурининг бажарилишига астойдил киришилаётганидан мамнунмиз, — деди С. Раҳимов туманидаги «Оллон» маҳалла комитетининг раиси Ҳамидулла Даминов. — Ниҳоят кўп йиллардан бери газ, водопровод суви, канализация тармоғидан қийналаётган аҳолига қулайликлар яратиляпти. Маҳалламиз ҳудудидаги Форобий, «Омонат касса» ўтувларида икки ойдан бери канализация тармоқлари ўтказиляпти. «Омонат касса» ўтувидаги 3, 4, 5-боши берк кўчалар ҳам режага киритилди. Форобий кўчасидаги 14, 16, 17-боши берк кўчаларга канализация тармоқлари ўтказилиб, ишга туширилди. Булардан ташқари «Маҳалла» дастури бўйича маҳалламизда отахонлар чойхонаси бунёд этилди. Сабзавот дўкони ва пойабзал цехи очилди. Кўчалар асфальтланмоқда. Буларнинг барчаси кейинги пайтда маҳаллаларга алоҳида эътибор берилаётганини яққол кўрсатиб турибди.

«Маҳалла» дастурининг барча соҳалар бўйича бажарилиши таҳлил қилинса асосан яхши кўрсаткичларга эришилганининг гувоҳи бўламиз. Масалан, ярим йил давомида шаҳар бўйича 6 минг 633 та хонадон телефонлаштирилган. Бу белгиланган режадан деярли икки баробар кўп демакдир.

— Аҳолига ижтимоий шарт-шароитлар яратиш бўйича кўплаб ариза ва шикоятлар тушади, — деди Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамаси Истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси уй-жой коммунал қурилиши бўлими бошлиғининг ўринбосари С. Тўлаганова биз билан суҳбатда. — Имкони борича уларнинг талабини қондиришга ҳаракат қиламиз. Агар бунинг иложи топилмаса мутасадди ташкилотларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда кейинги йилларда эҳтиёжни қондиришга ҳаракат қилиняпти. Шу тариқа «Маҳалла» дастурининг ўз вақтида бажарилишига эришяпмиз.

Саъдулла ШОДИЕВ.

** Бу киши—биздан*

ҚАДРДОН БЎЛИБ ҚОЛГАН

ШАЙХОНТОҲУР туманидаги 85-мактабда асосан Зангиота маҳалласида яшовчи болалар таълим олишади. Бундан уч йил илгари шу билим даргоҳига ташкилотчи, ишчан аёл Дилором Жаъфарова раҳбар этиб тайинланди. Ўша кезлари мактабда шароит етарли бўлмай, муаммолар кўп эди.

Дилором опа ишга келгач фаолиятни маҳалла билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан бошлади. Фаоллардан ёрдам сўради, елиб-югуриб мактабга газ олиб келди. Тез орада мактабда шунга ўхшаш ўзгаришлар юзага келди. Дилором опа маҳалладаги ҳар бир хонадонга кириб турмуш шароитини ўрганди. Гарчанд бошқа маҳаллада истиқомат қилсада, бу ердагиларнинг кувонч-ташвишига шерик бўлди. Шунинг учун бўлса керак тез орада маҳалла аҳлининг ҳурматини қозонди. Бу ердагилар билан опа-сингилдек бўлиб кетди. Айниқса, маҳалла хотин-қизлар кенгашининг чин маслаҳатчиси бўлиб қолди. Бу ҳақда хотин-қизлар кенгаши раиси Нортожи Зиёвиддинова шундай деди:

— Жамоамизда 1300 дан ортиқ аёлларимиз бор. Улар билан ишлашда 85-мактаб ўқитувчилари, айниқса билим даргоҳи раҳбари Дилором Жаъфарова катта ёрдам бераяпти. У ҳар бир масалага босиқлик билан ёндошади ва уни ҳал қилади. Ўзига ёрдам сўраб мурожаат қилган кишини ҳеч қачон ноумид қайтармайди.

— Сир эмас, илгари маҳалламизда бебош болалар кўп эди, — дейди Самарқанд дарбоза кўчасида яшовчи Муҳаррам ая Расулова. — Ҳозир бундайлар камайиб кетди. Бунинг учун Дилоромхондек фидойи инсонларга раҳмат!

Дилором опа шунингдек маҳаллада тўй ва бошқа маросимларни ўтказишда, тўй, чарлардаги ортиқча чиқимларни бартараф этиш, қайнона-келин муносабатларини яхшилаш, қизларни уй тутиш, рўзғор бошқаришга тайёрлашда хотин-қизлар комитетига яқиндан ёрдам беради. Бунинг учун бўлса керак уй бекалари ҳам, қизлар ҳам барча масалалар бўйича тортинмасдан у кишига мурожаат қилишади. Бу ҳақда яна Самарқанд дарбоза кўчасида яшовчи Дилдора Исломова шундай дейди:

— Дилором опа жуда камтарин, олижаноб аёл, ишимиз тушиб борсак бизга керакли маслаҳатларни беради. Жиддий масалаларда эса ўзи бош-қош бўлиб, кўмаклашади. Ҳозирги кунда хотин-қизлар комитетларига ана шундай фидойи аёллар зарур.

Дилором опа Жаъфарова ўзининг 35 йилдан ортиқ иш фаолияти давомида ҳамиша маҳалла-кўйга суяниб келмоқда.

Ўз навбатида шу давр ичида орттирган тажрибаси жуда қўл келмоқда. Хусусан, хотин-қизлар ўртасида тарбиявий масалаларда суҳбатлар уюштириш, ота-оналар ва маҳалла ҳамкорлигини жонлантириш, маҳалла ёшларига ахлоқ-одоб, қадриятларимизни сингдириш, буларнинг барчасида фаоллар ҳамда мактаб жамоаси ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган. Дилором опа мана шундай хайрли ишларга ўз ҳиссасини қўшаётганидан мамнун бўлиб, қувончини яширолмади:

— Зангиоталиклар ўз маҳалладошларим, туғишганларимдек қадрдон бўлиб қолишган. Уларсиз ҳаётимни тасаввур этолмайман.

Назира СОДИҚОВА.



Кексалар нигоҳида олам мунаввар.
Андрей Пишненко сурат-лавҳаси.

** Дилдаги гаплар.*

ОҲАНРАБОДЕК ЎЗИГА ТОРТАДИ

БИР умр фахрланаман: мен учун энг азиз бўлиб қолган маҳаллам бор. Менинг Ватаним шу ердан бошланади. Қаерга бормай, қаерда бўлмай киндик қоним тўкилган, униб-ўсган ота-она юртимнинг бир сиқим тупроғи оҳанрабодек ўзига тортади...

Маҳалладаги бешикдаги болакайдан энг кекса нуронийларигача бош эгиб, таъзим билан салом бераман. Меҳнат қучоғига йўл олганда ҳам, ишдан ҳориб-чарчаб келганимда ҳам азиз хонадоним бўлиб қолган маҳалламни бир айланиб чиқмасам кўнглим тўлмайди. Унинг кўркига кўрк қўшаётган ҳовлилар, қувончли тўйларни кўриб, уй эгасининг севинчига шерик бўламан. Маҳалладошларимнинг бирорта юмуши бўлса бу ишга, албатта, камарбаста бўлгим келади.

Яратганнинг ўзи маҳалламдаги ҳар бир хонадонга мангу қувонч ва бахт, туганмас давлат ато қилган. Наврўзи оламда менинг маҳаллам ўзгача чирой очади. Ким бир парча ҳовлисига кўчат эккан, ким токини очиб, сўрига боғлаган, ким кўкатларининг бўй чўзганини кўриб қувонади. Улар биргалашиб аҳилликда маҳалла ариқларини тозалаб, кўча юзларига янги ниҳоллар экишади. Одамлар ўзлари яшаётган маконини маҳалла-боғ қилиш мақсадида баҳор кунларининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, яхшигина меҳнат қилишади. Ҳа, маҳалладаги ҳар бир хонадоннинг чиройли турмуши, рўзғори тўкин-сочинлиги ҳалол меҳнат туфайлилигини кўриб ким ҳам қувонмайди. Маҳалладагиларнинг қўли очиқлиги туфайли, ҳаётда уларнинг доимо ийму очиқ.

Мустақиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Қутлуғ тантана арафасида ҳар доимгидек дошқозонда ош дамлаб бутун маҳалла аҳли, қўшни маҳалладан меҳмонлар маҳалла гузаридаги чиройли безатилган дастурхон атрофига ўтиришади. Дастурхондаги турли хил таомлардан татиб кўришади. Одатдагидек қўли гул ошпаз Абдуқаюм ота Боқиев дамлаган хушбўй палованинг мазаси эса бир умр ҳамманинг оғзида қолади.

Дастурхонга тортилган ош устида ширин суҳбатлар, аскияларнинг қувноқ кулгуси узоқ давом этади. Маҳалланинг кундалик оғирлигини елкадош фаоллардан Икром Баҳромов, Аҳмад Худоёров, Дониёр Олимов, Вали Набиев, Солиҳ Азизовлар икки қўллари кўксида мезбон ва меҳмонларнинг хизматида бўлишади. Истиқлол нашидасини шоду ҳуррамлик билан кутиб олиш мақсадида қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Маҳалла аҳлининг аҳиллиги, уларнинг бир-бирига бўлган иззат ҳурматида, эзгу ниятлар йўлида қиладиган яхшиликларида ўз аксини топади. Яхши одамларнинг минг бор садағаси кетсанг арзийди. Ҳеч кимни маҳалласидан айирмасин!

Эркин ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетининг ходими.

** Келажак—ёшлар қўлида*

«БИЗДА БЕКОРЧИЛАР ЙЎҚ»

Жамоатчи мухбиримиз Ҳамза туманидаги Бобур номли маҳалла комитетининг раиси М. Эгамбердиев билан мулоқотда бўлди.

⊙

— Муҳаммадсобир ака, кўриб турганимиз, Бобур маҳалласи жуда кўркам экан...

— Маҳалламиз 1991 йили ташкил қилинган. Унга Бобур номи берилганидан жуда фахрланамиз. Ишларимиз иложи борича шу улуғ зотнинг номига лойиқ бўлишига ҳаракат қилиб келмоқдамиз. Маҳалламизнинг ўн беш минг аҳолиси бор. Уларнинг асосий қисми кўп қаватли уйларда яшашади. Баъзан одамларни йиғиш, бирон тадбир ўтказишда қийинчиликларга ҳам дуч келамиз. Шунга қарамай ҳамжиҳатликка эришяпмиз. Айниқса Мустақиллик байрамига қизғин тайёргарлик кўриляпти. Кечалар, учрашувлар ўтказилганда ёшларимиз фаол қатнашадилар.

— Ёшлар ҳақида ўзингиз гап очдингиз. Бугунги кунда ёшлар келажагига катта эътибор билан қаралмоқда. Уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, жумладан иш билан таъминлаш муаммоларини қандай ҳал қиляпсизлар?

— Бизда ҳам иш сўраб юрган ёшлар бор. Буларга қўлимиздан келганча ёрдам бераяпмиз. Куни кеча шундай ёшларнинг саккиз нафарини меҳнат биржаси билан келишиб, биргаликда ишга жойлаштирдик. Яна 18 та ўсмирнинг Тошкент темир йўли ҳунар-техника билим юртига, 6 нафарини эса Авиасозлар техникумига ўқишга киришларига ёрдам берилди.

— Ёшлар тарбияси энг долзарб масалалардан биридир. Нотўғри йўлга кириб қолган ёки тарбияси қийин ўсмирларга нисбатан қандай чора-тадбирлар кўраяпсизлар?

Мақтанчоқликка йўйманг-ку, бизнинг маҳаллада жиноятчилик у ёқда турсин, тарбияси қийин боланинг ўзи йўқ. Кўриб турганингиздек, маҳалламиз тинч, осойишта. Милициянинг участка вакиллари ҳам яхши хизмат қилишади. Бундан ташқари ҳар куни маҳаллага дружиначилар тайинлаймиз. Ёшларни тўғри тарбиялашда бизга 226-мактаб ўқитувчиси, маҳалла хотин-қизлар комитетининг раиси Раъногон Назарова катта ёрдам бермоқда. У киши билан биргаликда турли учрашувлар, суҳбатлар ўтказаяпмиз. Яқинда Мустақилликнинг икки йиллиги, Заҳириддин Бобур таваллудига бағишланган «Мустақиллик — тарихни тўғри тушунишдир», деб аталувчи суҳбат ташкил этилди. Маърузачи, Тошкент Давлат университетининг катта ўқитувчиси, доцент Султонхўжа Орифхўжаев ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Яна уруш ва меҳнат фахрийлари билан учрашув ўтказдик. Улар ёшларга ўз ҳаёт йўллари, фаолиятлари ҳақида гапириб бердилар. Бир ой олдин давлат автомобиль назорати ходимлари билан мулоқот уюштирилган эди. Бу болаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини ўрганишларида катта ёрдам бермоқда.

— Сиз юқорида бизда бебош боланинг ўзи йўқ, деб айтдингиз. Бу албатта маҳалла-кўйнинг ютуғи. Лекин ўша жиноятчилик, бебошлик нимадан келиб чиқаркин, сиз нима деб ўйлайсиз?

— Биласизми, халқимизда «Бекорчидан эл безор» деган гап бор. Менинг фикримча, барча номаъқулчиликлар, бебошликлар бекорчиликдан келиб чиқади. Биз бу масалага жуда жиддий ёндошганмиз. Ота-оналарга ҳам бу ҳақда тушунтириш ишлари олиб борамиз. Маслаҳатлашиб, спорт саройимиз қошида самбо, дзюдо, қиличбозлик, волейбол, у-шу каби спорт турлари бўйича тўгараклар очганмиз. Маданият саройида эса қўшиқ, мусиқа, рақс, тикувчилик, тўқиш, макет ясаш тўгараклари ёшлар ихтиёрида.

— Мана, ҳозир кўпчилик ёшлар ўқувчилар ва талабалар ёзги таътилга чиқишган. Маҳалланингизда уларнинг дам олишлари учун қандай шарт-шароитлар яратилган?

— Бу масалада турар-жой бошқармаси ҳомийлик қилиб ёрдам бермоқда. Биз кўпинча улар билан бирга иш кўрамиз. Ёшлар учун клубларда ҳар хил концертлар, кинофильмлар, дискотекалар ташкил қилиб турамиз. Оромгоҳлар очганмиз, қолаверса ҳар бир мактабнинг ўз дам олиш маскани бор. Сув тўлдирилган ҳовузлар ҳам уларнинг ихтиёрида.

— Сизларда янги оила қураётган ёшларга қандай ёрдам кўрсатилади?

— Турмуш қураётган ёшларга моддий ёрдам тариқасида пул, озиқ-овқат маҳсулотлари беряпмиз. Бўлажак ота ва онадан ўз маслаҳатларимизни аямаймиз. Уй-жой масаласида ҳам ёрдам беришга тиришамиз. Ҳар чоракда бир мартадан оила қурган ёшларни йиғиб, уларнинг яшаш шароитлари, муаммолари билан танишамиз. Баъзи қудрат чора кўриб, ишончиликларни ҳал этишга ҳаракат қилинаяпти.

— Бугун сизни қандай ташвишлар қийнаяпти?

— Кўриб турганингиздек, ёшларга, айниқса ёш оилаларга ёрдам берайлик, деб қуюнаяпмизку, аммо маблағимиз йўқ. Ўзимиз ҳомийларга муҳтожмиз. Яна бир масала. Маҳалламизда иккита катта-катта мактаб бор. Лекин иккаласи ҳам русзабон болалар учун. Ўзбек болалари олисдаги мактабларга транспортда қатнайдилар. Биз маҳалламизда ўзбек болалари учун мактаб очиб беришларини сўрардик. Шу масалада комитетимизга ота-оналардан ҳам кўплаб аризалар тушган. Улар ҳам болаларини яқиндаги мактабга хавф-хатарсиз бориб келишларини исташади-да.

— Маҳалла комитети олдида турган режалар ҳақида ҳам гапирсангиз.

— Ҳозир маҳалламизда Мустақиллик байрамига қизғин тайёргарлик кетаяпти. Катта йиғилиш қилиб, кечалар, учрашувлар ўтказиб, маҳалламиз аҳлига ош тортиш ниятимиз бор. Бундан ташқари Заҳириддин Бобурнинг 510 йиллик тўйига катта тайёргарлик кўрилаяпти. Ҳозир ёшлар иштирокида мушоира, концерт дастури тайёрланмоқда. Бу хайрли ишлар бошида Раъногон Назарова ва котибимиз Абдужалил Султоновлар турib фаоллик кўрсатишаяпти. Ўйлаймизки, ёшларимиз ҳар доимгидек тадбирларни ўтказишда яқин кўмакчимиз бўладилар.

Марғуба СУЛТОНОВА.

** Кўп қаватли уйларда*

ЮМУШЛАР ОЗ ЭМАС

АКМАЛ Икромов туманининг 30-мавзесида янги маҳалла тузилиб, унга Алихонтўра Шокирхонов номи берилган эди. Кекса муаллим, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси Муҳитдин ака Жўраев маҳалла комитети раиси этиб тайинланди. 11 кишидан иборат фаоллар бирдамликда иш режаларини белгилаб олдилар. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши раисаси этиб Муаттар Эшмуҳамедова сайланди.

Алихонтўра Шокирхонов маҳалласида 20 дан ортиқ турли миллат вакиллари кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Ҳозирги кунда 5 мингга яқин аҳоли яшайди. Маҳаллада миллий ва маънавий қадриятларни тиклаш, бойитиш, тарғиб қилиш, анъаналарни замон талабига кўра ўтказиш, одоб-ахлоқни кучайтириш юзасидан талайгина ютуқ ва камчилик, истак ва мулоҳазалар бор.

Янги маҳалланинг тузилганига кўп бўлмасада, талайгина ишлар амалга оширилди. Бу ерда яшовчи кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексалар доимо эътиборда. Лекин муаммолар ҳам йўқ эмас. Йўллар ўнқир-чўнқир, кўп қаватли уйларнинг қурилганига 3—4 йил бўлган бўлсада, баъзиларидан ёмғир ёғса чакка ўтадиган бўлиб қолган. Аҳоли зич жойлашганлиги сабабли ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида милиция ходимлари билан фаоллар ўзаро маслаҳатлашиб олиб бораётган ишлар яхши натижаларни бермоқда. Буларни янада мустаҳкамлаш учун маҳалла таянч пунктига телефон керак, милиция ходимлари етишмайди, транспорт билан таъминланмаган.

Ўзбекнинг тўйи ва маъракаси тўйхонасиз бўлмайди. Буни яхши билган баъзи уйларда яшовчи одамлар ўзаро келишиб, тўйхоналар қуриб олдилар. Бир қанча уйларда эса қимматчилик туфайли буни қуриш қийин кечяпти.

Асрлар бўйи маҳаллалар ўзаро ёрдам, тотувлик, аҳиллик рамзи бўлиб келмоқда. Алихонтўра Шокирхонов маҳалласида ҳам Озодбек Абдуғафуров, Рихсивой Йўлдошев, Абдумажид Абдураззоқов, Раҳимжон Мадаминовлар каби фаоллар бор. Ҳар бир тантана, байрам ва бошқа расм-русумлар уларнинг маслаҳатисиз ўтмайди. Шу боис ҳам маҳаллада доимо тотувлик, ўзаро аҳиллик ҳукм суради.

Мирбахтиёр МИРПАИЗИЕВ.



Шу кунларда пойтахтимизнинг қайси маҳалласида бўлманг, ёшлар ёз фаслига мўлжалланган енгил оёқ кийимларида юришганининг гувоҳи бўласиз. Уларга бундай қулайлик яратишда Тошкентдаги 1-пойабзал ишлаб чиқариш корхонасининг 2-бўлимида меҳнат қилаётган Абдумуминтоз Алимовнинг қўшаётган ҳиссаси катта бўляпти.

СУРАТДА: А. Алимов иш устида.

Холмат Мирзакаримов сурати.

** Масканлардан хабарлар*

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА

БЕКТЕМИР тумани маҳаллалар кенгаши Мустақиллигимизнинг икки йиллигига бағишлаб қатор тадбирлар ишлаб чиққан. Байрамни муносиб кутиб олиш мақсадида «Истиқбол», «Зилола» маҳаллаларида гузар бунёд этилаяпти. «Роҳат» маҳалласида эса тўйхона қурилмоқда.

Шуниси қувончлики, катта қулайликларга эга бўлган марказлар тумандаги «Иргидромаш» бирлашмаси, «Мотор» заводи, Тошкент автомобиль тажриба комбинати каби жамоалар кўмагида қад кўтармоқда. Ўз навбатида аҳоли томонидан ҳам тез-тез ҳашар уюштириб турилибди.

Сайфулла ШОКИРОВ.

ЁШ НАҚҚОШЛАР

ЧИЛОНЗОР туманидаги Машраб номли маданият уйи жамоаси ёшларни фойдали-ижтимоий меҳнатга жалб этиш, уларга касб-ҳунар ўргатишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсадда даҳалар ва маҳаллаларда турли хил тўгараклар ташкил этилаяпти.

Яқинда тумандаги Қизил Шарқ маҳалласида янги тўгарак очилди. Бу ерда айни кунларда 20 нафардан зиёд болалар ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган қадимий ва нафис санъатлардан бири наққошлик бўйича сабоқ олмоқдалар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

«РОВОТ»ДАГИ ТОМОША

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ Завқий номли маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган «Феруза» ашула ва рақс дастаси аъзолари «Ровот» маҳалласига ташриф буюрдилар. Жамоа мазкур масканда «Сурурли дамлар» деб номланган янги дастурни тақдим этди.

Саиднжон САМАРИДДИНОВ.

«Соғлом авлод учун» танловига

МАЪНАВИЯТ — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

БИЗДА, умуман Шарқда ота-онанинг энг бирламчи, асосий вазифаси фарзандига тўғри тарбия бериш бўлиб келган. Болани нафақат жисмонан соғлом ўстириш, шунингдек руҳан тетик, маънавий баркамол вояга етказиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тарбияни тўғри олиб боришда ота-боболаримиз анъаналаридан фойдаланишимиз, фарзандларимиз дилида энг эзгу фазилатларни жо қилишимиз лозим.

Минг афсуски, биз 70 йилдан ортиқ вақт таъсирида тарбиянинг худди ана шу томонини жуда бўшаштириб юбордик. Фарзандларимиз маънавиятини қашшоқлаштириб қўйдик.

Илгарилари бир боланинг юриш-туриши, одобига етти қўшни жон куйдирган. Ҳозир-чи? Маҳалладошимизнинг дўст-бирадаримиз, қўни-қўшнимизнинг фарзандига бир оғиз насиҳат қилишга ҳаддимиз сиғмайди.

Эсимда, маҳалламизда бирорта одам ўғирлик, безорилик қилса ёки уйида жанжал кўтарса, ота-онаси, қариндош-уруғининг гапига қулоқ солмаса, кекса оқсоқолларнинг ўртасига олиб чиқиларди. Ана шу олиб чиқишнинг ўзи ҳам қанчалик уят ҳисобланарди. Оқсоқолларнинг, панд-насиҳатларини қонунчалик кучи бор эди, ўша пайтда. Эндиликда бирор ножўя ҳаракат, жиноят қилган ўсмир учун маҳалла, қўни-қўшни, яқин қариндошлар эмас, милиция, ички ишлар ходимларининг ҳаракатига кўз тикиш кўникмага айланган бизда.

Мен Тошкент Давлат университетида талабаларга «Одобнома»дан сабоқ бераман. Кўча-кўйда, маъруза-лар давомида талабаларни кузатар эканман, тарбия борасида Шарқ мутафаккирларининг маънавиятга оид нодир дурдоналари нақадар кераклигини ҳис қиламан. Ўзим ҳам имкон қадар маърузаларни уларнинг фикрлари асосида олиб боришга интиламан. Бу маърузалар талабалар томонидан қизиқиш билан қабул қилинмоқда. Айниқса, бобокалонларимиз Ат-Термизий, ал-Бухорий, Форобий, Бедил, Маҳмуд Қошғарий, Навоий асарларидаги одоб-ахлоққа оид ибратли фикрлар талабаларимиз томонидан қизиқиш билан ўрганилмоқда. Хусусан, Фирдавсийнинг «Масалалар моҳияти», «Шоҳнома» асарлари, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Кайковуснинг «Қобуснома» асарларида тарбиядаги нозик томонларни фарзандларимиз онгига сингдириш, ўйлайманки, ўзининг ижобий самараларини беради.

Меҳнат машаққатларини татимаган, инсонлик ғурурини ҳис этмаётганлар ҳам бизнинг фарзандларимиздир. Наҳотки биз ота-оналар уларнинг эртанги кунига, келажагига бефарқ қараб турсак. Кўзимизга арзимас бўлиб кўринган ушбу иллатлар, нуқсонлар бора-бора даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шу ўринда замондошимиз Набижон Қобил ўғлининг қуйидаги мисралари ёдимга келди.

Доно чоллар бўлмаган жойда,
Оқил ёшни излаш бефойда.

Дарҳақиқат, бу фикрларда жон бор, албатта. Фарзандларимиз тарбиясида ибрат чил, умидбахш, бир маромни йўлга қўйиш учун биз ота-боболаримиз анъаналарига, ибратли ўгитларига ҳар доим ҳам эҳтиёж сезамиз.

Шайхонтоҳур туманининг «Каттабоғ» маҳалласида болалар тарбиясини яхшилаш борасида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллада тез-тез ёзувчилар, шоирлар, турли соҳа мутахассислари, шунингдек, маҳалланинг кўпни кўрган кекса отахон ва онахонлари билан учрашувлар ўтказилиб турилади. Яқинда шундай учрашувлардан бирида қатнашдим. Унда шоира Нилуфар иштирок этди. Тўғрисини айтганда, бундай самимий, дилдан суҳбат бўлишини кутмаган эдим. Халқимизнинг маънавияти, аёлларнинг жамиятдаги, оиладаги, фарзанд тарбиясидаги вазифаси тўғрисида жуда қизиқарли гаплар бўлди. Мен учрашувдан шу нарсага амин бўлдимки, халқимизнинг маънавияти ўз-ўзидан йўқолмаган, балки йўқ қилинган экан.

Шарқ анъаналари, удумларини халқимизга қайтариш вақти келди. Биз фарзандларимиз деймизу, лекин ўзимиз ҳам миллий маънавиятимизни яхши билмаймиз. Болаларимизни Ғарбнинг шовқин-суронли мусиқаларига ружу қўйишда айблаймиз. Лекин ўзимиз Шарқнинг, хусусан ўзбек мумтоз мусиқасидан яхши хабардор эмасмиз. Фарзандларимизни китоб ўқишмайди, деймиз. Лекин уларни китоб ўқишга жалб қилишга ботинолмаймиз. Чунки китобларни ўзимиз яхши билмаймиз-да. Шунинг учун ҳам фарзандларимизни Навоий, Бобур, Фузулий шеърияти билан ошно қила олмаймиз. Демак, бундан кўринадики, болалар маънавиятини юксалтириш учун ўзимизни ҳам тарбиялашимиз керак.

Бироқ ҳозир нима бўляпти? Республикамиз мустақилликка эришиб, бошқа давлатлар билан турли соҳаларда алоқа ўрнатилди. Қўшни мамлакатларга йўл очилди. Табиийки, саёҳатчилар ҳам кўпайди. Баъзи оналаримиз асосий вазифалари қолиб, савдогарчиликка ўтиб кетишди. Ҳатто бу ишга ҳали ёш фарзандларини ҳам тортмоқдалар.

Шу ўринда бир воқеани эсладим. Ишга отланаётган эдим. Уйга бир бола катта сумкани кўтариб кириб келди. Сумкада турли хил қимматбаҳо чет эл моллари. Бола бизга молларини мақтай кетди. Аввалига уни кузатиб турдим. Кейин қаердан олдинг буларни, деб сўрадим. Болакай онаси хориждан олиб келганлигини айтди. Мен унга бундай ишлар билан онасининг ўзи шуғулланиши кераклиги, у ҳали бола эканлигини айтдим. У ҳайрон бўлиб чиқиб кетди. Қизиқ, ҳали 12—13 ёшга тўлмасдан пулга ўрганган бола эртага улғайиб, қандай одам бўлади? Онасичи? Турмуш ўртоғи олиб келганига қаноат қилиб боласининг тарбияси билан шуғулланиш ўрнига ўзи уни нотўғри йўлга бошлайди. Мен бу ҳақда Собир Раҳимов туманида аёллар билан бўлиб ўтган учрашувда гапирган эдим, фикримни кўпчилик қўллаб-қувватлади. Ҳозирги кунда жуда кўпайиб кетган ана шундай тижоратчи аёлларни хотин-қизлар кенгашлари бироз тартибга чақириб қўйса ёмон бўлмасди.

Гоҳида ўйлаб ўйимга етолмай қоламан. Маданиятимизни, ота-боболаримизнинг бой мероси, аждодларимиз тарихини ўрганиш кераклигини кўп таргиб қиламиз. Бироқ, ҳали ҳам натижа кўнгилни ёритмайди.

Республикамиз мустақилликни қўлга киритиб, қадриятларимизни тиклашга астойдил киришилган ҳозирги вақтда кексалар, отахон-онахонлар суҳбатини тез-тез уюштиришнинг иложи йўқмикан? Бу суҳбатларга улуғ кишилар, шоир ва ёзувчилар таклиф қилинса айни иш бўларди. Ўйда ўтирган ёш болали маҳалла хотин-қизлари орасида чеварлик, пазандаликни ўрганишга иштиёқи бўлганлар учун тўгараклар ташкил қилинса, ёки эртадан-кечгача ота-онаси ишда бўлиб, кўчада назоратсиз юрган болажонларимизга шу маҳалладаги ҳунарманд кексалардан ҳунар ўргатадиган устахоналар очилса қандай бўларкин. Бу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керакмикан?

Болаларимизнинг онгига миллий руҳ, маънавий маданиятни сингдириб боришимиз лозим. Президентимиз томонидан «Соғлом авлод учун» орденининг таъсис қилиниши фарзандларимизни жисмоний, шу билан бирга маънавий гўзал бўлиб вояга етишларини белгилайди. Бунинг учун бизда ҳам моддий, ҳам маънавий асос бор.

Халқимизда нима эксанг шуни ўрасан, деган нақл бежиз айтилмаган. Биз фарзандларимизни инсонийлик руҳида тарбиялаб, каттакичикка ҳурматли, бир-бирларига меҳр-оқибатда бўлишларини таъминласак, уларга яхши хислатларни ўргатсак, бор меҳримизни берсак, эртага улардан шундай меҳр-муҳаббат кўрамиз.

Азиза ЗАЙНУТДИНОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

⊙ Танлов ҳомийси — республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси.

** Удумларимиз*

КАТТАГА ҲУРМАТ, КИЧИККА ИЗЗАТ

ИСТАРАСИ иссиқ, қорачадан келган келинчак кўчада кетиб бораётган онахоннинг оғир сумкаларига қўлини чўзар экан:

— Ассалому алайкум, онажон! Қўлингиздагини менга беринг, борадиган ерингизга элтиб бераман! — деди.

— Ва алайкум ассалом! Умрингдан барака топ, қизим. Раҳмат, бахтли бўл!..

Келинчак билан онахон ўртасидаги салом-алик, самимий муносабатдан кўнглим кўтарилиб кетди. Яна бир куни қўлида оғир юки бор кекса киши: «Болам, агар малол келмаса, ёрдам берсангиз?» — деганида тоғни урса талқон қиладиган йигитнинг ҳе йўқ, бе йўқ, унсиз кетиб юборганидан қаттиқ ранжидим.

Мана, азизлар, шу икки воқеанинг ўзи қайси бир кишини ўйга солмайди, дейсиз?

Тўғрисини айтиш керак, ҳозирги пайтда каттага ҳурмат, кичикка иззат, бировга ёрдам қўлини чўзишга тайёр турган дастёр ёшларимиз камайиб бормоқда. Нега? Нима бу, таълим-тарбиянинг ночорлигиданми ёки ўртадаги меҳр-оқибатнинг кўтарилганиданми? Меҳрибонлик, раҳмдиллик қани, нега бир-биримизга оқибатсизмиз?

Лавозими юқорироқ бир киши бор. Ўзи ёш. Ҳар кўришганимда чин дилимдан салом бераман. У эса лабини истар-истамас қимирлатиб, қўлини чўзса чўзади, чўзмаса йўқ! Баъзан кўрса ҳам ўзини кўрмаганга олиб, тескари қараб кетади. Қадриятларимизга кўра саломлашув ҳам қарз, ҳам фарз. Киши бировдан қўрққани ёки бўлмаса бирор илинжи боридан салом бермайди. Ҳурмат, ўзаро биродарлик юзасидан саломлашади.

Умар ака деган кекса қўшнимиз бор эди. Ўзи уруш ногирони. Етти ёшдан етмиш ёшгача кўчада кўринган одамга салом берарди. Мен таажжубга тушардим.

— Умар ака, нега ундай қилдингиз. Ахир у бола, Сизга салом бериши керак-ку, — десам, раҳматлик: — Э, ука, саломнинг катта-кичиги бўлмайди. Ҳадиси шарифда ҳатто «Танимаганларга салом беринг!» дейилган. Фарзандларимиз биздан ўрганишади. Улуғларимиз шундай қилишган. Ҳазрат Навоий устозининг боласига отдан тушиб салом берган эканлар.

Саломлашув замирида меҳр-муҳаббат, қадр-қиммат, оқибат каби инсоний ҳислатлар ётади. Яхши сўз билан илон инидан чиқади, деб бежиз айтилмаган.

Афсуски, баъзи кишилар, ёшлар фақат бевосита алоқада бўладиган шахсларга ёки илинжи бўлсагина салом берадилар. Ёшига нисбатан ҳурмат кўрсатадилар. Орамизда шундай одамлар ҳам борки, ўзлари ёши, лавозими сиздан кичик бўлишига қарамасдан, салом берсангиз, алик олади. Давраларда, йиғинларда ёшига, ўрнига қараб иш тутишни билмайдилар. Бу эса уларнинг дунёқарашининг торлиги, инсоний эътиқодининг йўқлиги, удумларимизни яхши билмасликларидан далолат беради. Катталарга ҳурмат кўрсатиш, салом бериш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ,
муаллим.

** Илгариги мавзуга қайтиб*

ТЎЙ — БИР ОИЛА ШОДИЁНАСИ

ДАВЛАТИМИЗ мустақил бўлганига ҳадемай икки йил тўлади. Бу давр жамиятимизга катта сабоқлар бермоқда. Айниқса иқтисод тушунчаси қон-қонимизга сингиб, ҳар бир режа устида мустақил фикрлаб ва кўнгил тарозисида тортиб, кейингина хулоса чиқаришга ўрганаяпмиз.

Аммо неча йиллардан бери муаммо бўлиб келаётган тўйларни ихчамлаштириш ва кам харажатли қилиб ўтказиш масаласи ҳамон кўпчиликни ташвишга солмоқда. Тўйларни дабдабасиз, ихчам тарзда ташкил этишни жон-жон деб хоҳловчилар кўп. Лекин ён-атрофдагилардан андиша қиладилар, уяладилар, гап-сўздан, «зиқна», «паст» деган дашномлар эшитишдан истиҳола қиладилар.

Бир ҳақиқатни қайта-қайта таъкидлагимиз келади. Тўй ва маъракалар аввало элники эмас, балки бир оиланинг шодиёнаси ёки қайғусидир. Шундай экан топган-тутганимизни тўйга йиғавермай болаларимизга дарсхоналар, ўйин жойлари, ўзларига хос тарзда шаклланган ҳақида манбаларда баён қилинган. Масалан, Андижонда «эшик супурди»га келган аёллар гилам остини кўтариб қараб, ўчоқбоши ва ҳожатхонадаги тартибни кузатсалар, қаршилик совчилар оёқ кийимларининг гартиби, дастурхон асгарининг аврага мос тушган-тушмагани, супургининг қай ҳолда турганн билан қизиқадилар. Ургутда келиннинг каштадўзлиги, чеварлигига эътибор берсалар, Шаҳрихон ва Балиқчида қизларнинг чойшаб, сочиқ, қуроқ қилиши, тўн, нимча, камзул, қийиқ, дўппи тикиш санъати билан қизиқадилар. Тошкентда эса бутунлай бошқача. Яъни, совчилар олдига қиз дастурхон ёзади, нон-чой келтиради. Шу билан унинг оёқ олиши синалади.

МАЙИЗ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

⊙ Хонадонимизда бир неча туп кишмиш навли узум ниҳоллари бор. Ҳозир айни пишиб етилган ҳосилдан майиз тайёрламоқчи эдик. Шу ҳақда мутахассис маслаҳатини ёритишнинг иложи борми?

С. Муллабоев,
Янгиобод даҳасида истиқомат қилувчи муаллим.

МУТАХАССИСЛАРНИНГ фикрича, узум етилиб пишган вақтда унинг банди қиздирилган темир билан узилиб кетмайдиган даражада қуйдирилади. Ичидаги чўплари чала қуриган ҳолга келгунча шундоқ қолдирилади. Сўнг узум узиб олинади. Қуритиш учун сояга, қуруқ ва тутунсиз уйга осилади. Кейин токнинг қуриган барглариданн озроғини идиш ичига солиб, узум бошлари шундоғича териб қўйилади. Бундай майиз ғоят нозик ва мазаси ширин бўлади ҳамда узоқ бузилмай туради.

Шавкат САЪДИЕВ тайёрлади.

** Сўраган эдингиз...*

ШАХСИЙ МУЛККА НИМАЛАР КИРАДИ?

⊙ Умр йўлдошим билан муросамиз келишмай ажрашаяпмиз. Уй-жой ва бошқа нарсалар тақсимланаётганда тўйгача ўзимга тегишли бўлган шахсий мулким сақланиб қоладими? Илтимос, умуман эр ёки хотиннинг шахсий мулкига нималар кириши ҳақида маълумот берсангизлар.

С. Обидова,
Бектемир тумани.

Эр ёки хотиндан фақат биттасига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф қилинадиган мулк шахсий мулк бўлиб ҳисобланади. Шахсий мулкка қуйидагилар киради: эр ёки хотиннинг никоҳга қадар ўзларига тегишли бўлган мулки (масалан, уй, уй ҳижозлари, омонат кассага қўйилган пул, давлат заёминнинг қимматдор қоғози ва бошқалар); никоҳ давомида ҳадя қилинган ёки мерос тариқасида олган мулклари; шахсий фойдаланишдаги қимматли ва зебу зийнат хашамат ашёларидан бошқа буюмлар (кийим-бош, оёқ-кийим ва шу кабилар) гарчи никоҳ давомида эр-хотиннинг умумий маблағи ҳисобига олинган бўлса ҳам, улардан фойдаланиб келган эр ёки хотиннинг шахсий мулки бўлиб ҳисобланади; эр ёки хотин томонидан олинган Давлат мукофотлари ва совғалари (масалан, олтин соат, мотоцикл, ов милтиғи ва бошқалар). Никоҳ даврида йиғилган бошқа ҳамма мулклар эр-хотиннинг биргаликдаги мулки бўлиб ҳисобланади.

СИНОВ УДУМЛАРИ

⊙ Балоғат ёшига етган қизлар одатда совчилар томонидан синаб кўрилади. Мана шу синов удумлари қандай?

Д. Фармонова,
Тошкент туманидаги Иттифоқ маҳалласида яшовчи уй бекаси.

СИНОВ одатлари турли жойларда

** Халқ табобати*

НОН... ДАВОЛАЙДИ

ТАБОБАТ илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино ва унинг устози Абу Бакр Муҳаммад Закариё ал-Розий нонинг шифобахшлигию дори-дармонлик хусусиятларига катта аҳамият бериб, уни анчагина касалликларни даволашда қўллаганлар. Халқ табобатида ҳам нондан дори сифатида фойдаланиб келинган: милклар қочиб, тишлар бўшаша бошласа қаттиқ нонни чайнаш керак. Фасодли ярага қаттиқ нон билан бирга қўй ёғидан олинган жиззани янчиб қўйилса фойда қилади. Сариқ касалига чалинган одам анор шарбатига ботирилган қаттиқ нон ейиши керак.

Ошқозон бузилиб, ич кетса ёки ичбуруғ касалига чалинганлар кунда уч маҳал қаттиқ нон еб, орқасидан бир пиёла қатиқ ичиб юборишса, касаллик таққа тўхтайди. Ёйинки, қаттиқ нон талқонини қатиққа қоришириб истеъмол этиш зарур. Бу юракбуруғининг давоси. Яна тандирдан узибоқ офтобда қуритилган оби нон ич ўтганда ва ҳатто қон аралаш ич кетиш каби юқумли касалликда ҳам шифо бўлади.

Кўнгил айнаб, еганини қусиб юборадиган, ошқозонда ачишиш пайдо бўлган беморларга Абу Бакр ал-Ғозий нонни асалга ботириб ейишни тавсия қилган.

Ал-Розий ҳам, Ибн Сино ҳам нонни сутга тўғраб еб юрган кишининг ҳазмлаш аъзолари фаолияти яхшиланиши ҳамда ранг-рўйи тиниқ ва чиройли бўлишини кўп маротаба таъкидлашган. Уша алломаларнинг айтишича, яна нонни сутга ботириб ейиш пешоб йўлларидаги ачишишга барҳам берар экан.

Кўнгил беҳузур бўлганда қайноқ сувга нон тўғраб, ивитиб, докадан сузиб ичилса, киши ёзилиб кетади. Нонни туз билан янчиб, сувда ҳўллаб темираткига суртиб тузатиш усули ҳам халқ табобатидан келиб чиққан. Қаттиқ шамоллаганда, грипп ва дучор бўлганда пиёз тўғраб, қалампир сепиб ийланган қатиққа нон ботириб ейилса, ғар-ғар терлатади, ўраниб ётиб бир ухлаб турса киши тетик бўлиб қолади.

Қон босими ортганда, асаблар изтиробга тушганида хамиртурушни илиқ сувда эритиб ичиш тавсия қилинади. Гўшт қийма ёки жизза қўшиб тайёрланган нондан бир тўйиб еган кишининг қуввати ошади. Озиб-тўзиб кетган беморлар ана шундай нондан еб турсалар шифо топадилар.

Нон қандай шакл, кўриниш ва таъмда бўлишидан қатъи назар, муқаддас неъматдир. Унда қуёш ҳароратининг тафти бор. У тириклик рамзидир. Шунинг учун ота-боболаримиз «Нон бўлса бас, ўзгаси ҳавас» деб бежиз айтмаганлар. Нон туфайли эл-юрт фаровон, халқ тинч, оилалар обод. Бебаҳо неъматнинг қадрига етайлик, асраб-авайлайлик, азизлар.

Б. МАЖИДОВ.

Маҳалладош

МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

⊙ ТАНИҚЛИ шоиримиз Султон Акбарийнинг достонлари орасида «Менинг маҳаллам» ҳам бор. Шу достоннинг яратилиш тарихини ёзишга тўғри келганда Султон ака: «Ука, агар имконнинг топсангиз, ўзингиз турган маҳаллани ҳам таърифини қилиб, қоғозга тушириб қўйинг. Ахир фарзандсиз, ёдгорлик бўлади», деган эди. Ўйлаб қарасам, айтаётган гапларим кўп экан. Ушбу қасидани шу ниятда қоғозга туширдим...

Кириш

«Маҳалламнинг бор ҳангомаси,
Иккинчими, учинчи достон,
Қисса қилиб ёзарман ростдан,
Бу ваъдага ҳозирча фақат.
Битмаган шу қиссам закалат»,
Деган эди Султон Акбарий,
Тугатолмай дилдаги барин.
Маҳалланинг таърифин қилиб,
Гоҳи саёз гоҳида тўлиб,
Ҳасанбойнинг сувидай шошиб,
Дамариқдай қирғоқдан тошиб,
Чақалоқдай меҳрига қониб,
Жиндак ҳасрат ўтида ёниб,
Атиргуллар ҳидин уфурган,
Келинлари кўча супурган —
Супургидай гоҳо мулойим,
Маҳаллам мадҳини қилайин.
На раҳматнинг илинжи эмас,
Юртни мақташ — шонталаб демас.
Юрагимнинг қонса хумори,
Маҳалламнинг йўқ ила борин
Оқ қоғозга туширолсам бас,
Зувалани пиширолсам бас.

I

Мени тўйга айтиб кетишмас,
От чоптириб қайтиб кетишмас,
Ҳой, деб овоз берса кетади.
У бошига дарҳол етади.
Ҳа, маҳаллам минг уйли эмас.
Юз хонадон — юрак чамбарчас,
Барчасининг юзида қуёш,
Барчасининг кўзида қуёш.
Кўчаларга чиқса уйидан
Биронтасин ёки тўйинг —
Юзта қуёш чиққандек бўлар,
Юзта қуёш нур сочиб кулар.
Номларингдан ўзим айланай,
Томирингга жондек бойланай,
Кел, деганда келмадимми ё,
Ел деганда елмадимми ё?
Дошқозонда пишганда палов,
Ўчоқларга қаладим олов.
Ҳашар чоғи елкамда кетмон
Ҳавас қилди ўттану кетган,
Бир томонда қўшнисн Сағбон,
Бир томонда қадимий Қоплон
Беклигини қилиб турадн.
Ҳол-аҳволин билиб турадн.
Оҳ, маҳаллам, оҳ-оҳ маҳаллам,
Сут маҳаллам, қаймоқ маҳаллам.
Ҳушхулқ келин-кеват маҳаллам,
Бешигингни терват маҳаллам.
Яхшиликда ибрат маҳаллам,
Бирлигида қудрат маҳаллам.

II

Гузарида лола номи бор,
Музқаймоғу гўшт дўкони бор,
Чойхонаси донмо гавжум,
Ҳувуллаб қолмайди, ҳеч бир зум.
Отахонлар давраси бўйлаб,
Ўтган йиллар хотирин сўйлаб,
Пиёлада айланар кўк чой,
Суҳбатларга бойланар кўк чой,
Отахонлар пиру бадавлат,
Умрлари бизга дарс, ибрат
Ҳар сўзини тиллога олсанг,
Киссагамас, қалбингга солсанг,
Юртинг ишқи қалбга жо бўлар,
Мурувватга лиммо-лим тўлар,
Ер тилини билган отахонлар,
Кўп насиҳат қилган отахонлар.
Ўхшадикми сизга бир чимдим?
Айтинг ростин ўйнамай дим-дим,
Ўхшасак гар, сийланг қанд билан,
Новвот билан, ўгит-панд билан.
Ўхшамасак, жуфту тоқ билан,
Битта чертки шапалоқ билан.
Ахир сизга фарзанд эрурмиз,
Асалдайин дилбанд эрурмиз,
Бизни тергаб, элга мақтаган.
Умид кўзин бизга қадаган,
Йўлда улуғ карвон, отахонлар,
Биз тевамиз сарбон, отахонлар!
Яшанг, яшанг яна кўп йиллар,
Суҳбат қуриб яйрайдн диллар,
Сафингиздан ҳато бўлмасин,
Ҳеч ким бевақт адо бўлмасин,
Сиз дарахту, биз мевалармиз,
Думбил, нордон заб шевалармиз,
Ёмонлигим яширган маҳаллам,
Мақтовимни оширган маҳаллам.
Ширинлиги гилос маҳаллам,
Тантиқландим бироз маҳаллам.

III

Ҳар нарсанинг жойи, номи бор,
У ном ила бўлади донгдор.
Маҳалламнинг номи Қизғалдоқ,
Таърифласам бўлмайди адоқ.
Эшон ойи ном қўйиб кетган,
Оқсоқоллар хўп суйиб кетган,
Номларингдан сўзим айлансин,
Қуралайдек кўзим айлансин,
Баҳор чоғи ариқ лабида
Баҳоройнинг обн-тобида.
Турфа кўкат унса бўйсара,
Томларга ҳам шунда бир қара,
Худди биров ёйгандек гилам,
Алвон-алвон товланар бирам,
Қизғалдоқлар ёнб туради,
Қуёш меҳрига қониб туради.
Ўру қирда очилиб ётар,
Худди чўғдек сочилиб ётар,
Биров уни узмас сира ҳам,
Табиатни бузмас сира ҳам,
Гўзалликка ташна маҳаллам,
Гул-гиёҳга ошно маҳаллам,
Гул маҳаллам, гулгун маҳаллам,
Шеър маҳаллам, булбул маҳаллам.
Ким айтади ёмон маҳаллам?!
Эрамлардек чаман маҳаллам,

IV

Ғийбатларни сира хушламас,
Аёллари тўйдан бўшамас,
Тўйбошига бирон юмуш йўқ.
Тўйсиз ахир бизда туриш йўқ.
Тўй нимада кўринар экан?
Бунга шундоқ жавобим экан.
Тўй — бу аввал юртнинг тинчлиги,
Иморатнинг пишиқ синчлиги,
Тўй — бу аёл кулгуси ростдан,
Чақалоқнинг йиғиси — достон.
Тўй — тандирда пишган оби нон,
Қовун-тарвуз келтирган деҳқон
Тинч яшаган куннинг — бу тўйдур,
Юлдузлар кўп тунинг — бу тўйдур,
Маҳалланнинг тўй-ҳашами бор,
Дўстга ошнинг бир ошами бор,
Дил қувониб дастурхон тузсак,
Лаганларда келади газак,
Фарнда ош дамлар қотириб,
Дилдоранинг тандир патири;
Наргизанинг седана нони;
Райҳонойнинг чўзма лағмони;
Тоғорада мантими дейман,
Хоним бўлса бир товоқ ейман...
Бўлмас сира баҳил маҳаллам,
Қуму тошдек аҳил маҳаллам
Кулгулардан обод, маҳаллам,
Донмо ёш шамшод, маҳаллам.
Фарзандига қанот маҳаллам,
Шоирига довот маҳаллам.

V

Наврўзларда пишган сумалак,
Ҳалимларга жон фидо ҳалак —
Дастурхончи аядек чўздим.
Чўзиқ гапдан ўзим ҳам бездим,
Кўп яхшилик кўрдим, эй ўртоқ
Она бўлди менга Қизғалдоқ.
Унинг майли, гулзори йўқдир
Майли, улкан чинори йўқдир
Лекин менинг дилгинам тўқдир.
Шу сабабли шеърим ҳам шўхдир.
Маҳалламнинг одамлари бор,
Бир-биридан ўктам, беозор,
Шу одамлар тили шакар бол,
Хуш келибсан дедик истиқлол.
Тўй деганда уч кун тўйлаган,
Шароб ичиб, роса ўйнаган,
Аёл-эркак қарию ёшим —
Азиз кишим — маҳалладошим;
Дунё қанча яшаса яша.
Эй армонсиз ошингни оша!
Маҳаллалар билан тан-жон бўлиб,
Бири карвон, бири сарбон бўлиб.
Юришларинг мунчалар яхши,
Ҳамжиҳатлик юртимиз нақши.
Мўъжизалар рўй берса шу он
Бир одамга айланиб, жаҳон —
Кезиб кетсанг, излаб топардим,
Топиб чўлпиллатиб ўпардим.
Нечун ҳавас қўяй хорижга.
Алишмайман сени Парижга.
Номинг борку Қизғалдоқ деган,
Мудом ғаминг еганим еган!
Эрта-индин муборак байрам,
Мустақиллик тантанаси ҳам
Қучоғингни этади гулшан.
Яйрашамиз мириқиб шўх-шан.
Шунда келинг азиз ўртоқлар,
Мевасини тўкади боғлар,
Лаганларда узуму анор,
Олхўрию нок— ҳаммаси бор.
Шафтолининг мўйловин кўриб,
Пиширайлик мундоқ ўтириб,
Айтганимни билиб кетасиз,
Айтмаганим кўриб кетасиз.
Юрт ишига белини боғлаб.
Келажакка ўзини чоғлаб,
Турган алпим, арслон маҳаллам.
Мард маҳаллам полвон маҳаллам.
Кўрмагай ҳеч армон маҳаллам
Эзгуликка ошён маҳаллам!

Хотима

Тўй қилганда айтиб келаман.
«Жигули»да қайтиб келаман.
Эшикда жим тураверaман.
Не синоат кўраверaман.
Шунда келиб бўлиб гувоҳи
Маҳалламга берасиз баҳо,
Ёз десангиз шунда ёзаман
Бир амаллаб қудуқ қазаман.
Ҳозир эса хайр, маҳаллам,
Қилдим бағринг сайр, маҳаллам,
Жон маҳаллам, жонон маҳалла,
Яхшиликка ошён маҳаллам!

Темур УБАЙДУЛЛО.

* *Талаба—93*

КЕЛИНГ, КУТАМИЗ

● **Шаҳарликлар дастурхонини тўкин қилиш учун деҳқончиликка катта эътибор бериляпти. Табиийки, бу соҳани ривожлантиришда малакали мутахассис тайёрлашнинг аҳамияти беқиёсдир. Марказий Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистон сув хўжалиги тизими учун ўрта бўғинли мутахассисларни етказиб берувчи Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежининг ўз ўрни бор. Айни кунларда ушбу ўқув даргоҳида ҳам талабаларни қабул қилиш қизғин тарзда бормоқда. Биз коллеж, унда ўқитиш ишлари қандай йўлга қўйилгани билан қизиқиб коллеж раҳбари Рўзимат Анорметовга мурожаат этдик.**

— Рўзимат ака, дастлаб ўқув даргоҳи ўз олдига қўйган мақсадлари нималардан иборат эканлиги ҳақида сўзласангиз...

— Табиийки, янги ерларни ўзлаштириш билан сув қурилишлари тобора ортиб бориб, ушбу соҳада ҳам иш усталарига бўлган эҳтиёж кўпаймоқда. Коллежимиз авволлари гидромелиорация техникуми эди. Буни биласиз. Энди кадрлар тайёрлаш масаласига келсак: шу кунгача билим даргоҳида гидромелиорация (сув тармоқларини ҳамда унда жойлашган иншоотларни бошқариш ва фойдаланиш бўйича кичик муҳандис — гидромелиораторлар тайёрлайдиган), гидромелиорация ишларини механизациялаш (мелиоратив ва қурилиш машиналаридан фойдаланиш ҳамда уларни таъмирлаш бўйича кичик муҳандис — электр механиклар тайёрлайдиган) ва сув хўжалиги тизими автоматик қурилмалардан фойдаланиш (гидромелиорация ва сув хўжалиги тизимидаги электромеханик, автоматик, телемеханик қурилмаларидан фойдаланиш бўйича кичик муҳандис — электромеханиклар тайёрлайдиган) факультетлар бўйича кундузги ва сиртқи бўлимларда бўлажак мутахассислар таълим олар эди. Шу йилдан бошлаб иккита янги факультет: ёарча турдаги автомобиль ва двигателларни таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник механиклар тайёрлайдиган — автомобиль ва двигателларни созлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш бўлими ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш факультетларига талабалар қабул қила бошладик. Ҳозирги кунда коллежимизда таълим олаётган ёшлар яқин келажакда фаровонлик жиловини ўз қўлларига олишади. Буни қалбдан ҳис этган педагогик жамоамиз аъзолари ўзларининг бутун билим ва тажрибаларини таълим-тарбия ишларига қаратмоқдалар.

— Коллеж илгариги кўпчиликка маълум бўлган гидромелиорация техникумидан нималари билан фарқ қилади?

— Коллежда 60 нафардан кўпроқ олий маълумотли, тажрибали ўқитувчилар синовдан ўтказилиб, иш олиб боришмоқда. Янги ўқув йилидан 9 нафар олий табақали, 18 нафар халқ таълими аълочиси ва бир ўқитувчимиз эса хизмат кўрсатган сув хўжалиги ходими бўлган ўқитувчи — устозлар талабаларга сабоқ беришади. Бундан ташқари таълим-тарбия жараёнини компьютерлаштириш, ўқув ишлаб чиқаришда ахборот айирбошлашни қўллаш борасида ҳам талайгина тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Коллеж педагоглари йирик фирмалар билан ҳамкорликда бир неча фанлар бўйича курс ишлари ва диплом лойиҳалари дастурларини тайёрладилар.

— Рўзимат ака, коллежда ўқувчи-талабалар учун қандай имкониятлар яратиб бериляпти?

— Коллежимизда 624 ўқувчига мўлжалланган иккита ётоқхона, замонавий техник воситалар билан жиҳозланган ўқув-ишлаб чиқариш биноси, 22 та назарий машғулотларга мўлжалланган махсус ўқув хоналари, амалий машғулотлар учун 18 та лаборатория хоналари, спорт зали, кутубхона мавжуд. Талабаларни ўқув ва ишлаб чиқариш машғулотларини устахоналарда янада қизиқарли ўтказиш мақсадида республика Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда «Мироб» кичик корхонасини ташкил этдик. Эндиликда талабалар ўқув ишлаб чиқариш жараёнида ўзлари тайёрлаган маҳсулотлари ҳисобидан моддий манфаат кўришмоқда. Ўқувчилар малакасини чуқур ўрганишлари учун 12 та автомобиль, 13 та трактор ва 12 та турли маркадаги мелиоратив қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланмоқдамиз.

— Коллежни битирган талабаларга қандай ёрдамлар берилаётгани ҳақида ҳам айтиб ўтсангиз.

— Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, республика ишлаб чиқариш педагогика институти билан бир неча йилдирки, ўзаро ҳамкорлик шартномалари асосида иш олиб бормоқдамиз. Бундан ташқари ишлаб чиқариш ташкилотларининг кичик муҳандисларга бўлган талабини ўрганиб, улар билан 2000 йилгача мутахассислар тайёрлаб бериш борасида ҳам шартномалар тузилди. Энди яна бир гап: ҳозир барча ўқув юртларида бўлгани каби бизнинг коллежимизда ҳам ўқишга қабул қилиш давом этмоқда. Агар ўқишга кирувчилар бўлса ўқишга марҳамат қилишсин, кутамиз.

Дилдора ОРИПОВА.

● **СУРАТЛАРДА: Тошкент мелиорация ва сув хўжалиги коллежи ҳаётидан лавҳалар.**

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Автомобилларни таъмирлаш бўйича чилангар ва электр-газ пайвандчи ихтисоси билан бирга «С» тоифадаги автомобиль ҳайдовчилар — 3 йил;
Слесарь-сантехник-электр пайвандчилар — 1, 2, 3, йил;
Автомобиль ремонти бўйича чилангарлар — 1, 2, 3, йил ва 6 ой;
қоғоз ишлаб чиқариш бўйича технологик қурилмаларга хизмат кўрсатиш технологлари — 1, 2, 3 йил;
электр-газ пайвандчилар —1, 2, 3, йил;
тикувчи-мотористка лар — 1, 2, 3, йил;
Ўқишга 14 ва ундан катта ёшдаги 8, 9, 10, 11-синф маълумотига эга бўлган ёшлар қабул қилинади. 2-3 йил муддат билан ўқиган ўқувчилар тўла давлат таъминотида бўладилар, улар бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.
Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва касб эгаллаганлиги ҳақида диплом ҳамда мутахассислик даражаси берилади.
10, 11-синф маълумотига эга бўлган 6 ой ва 1 йил ўқийдиган ўқувчиларга ойига 1170 сўмдан 2500 сўмгача стипендия тўланади. Хоҳишига қараб ишлаб чиқариш тажрибасини Тольятти шаҳрида ўтказиш мумкин.
Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Машғулотлар 1 сентябрдан, 6 ойлик давлат таъминотидаги курсларда гуруҳларнинг йиғилишига қараб бошланади.
Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Оқдарё кўчаси, 122-уй (12, 52, 68, 111, 183-автобуслар; 5, 26-трамвайларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекати; 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони» бекати).
Қабул комиссиясининг телефони: 91-33-94.

ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР!

Олой бозори атрофида АМИР ТЕМУР кўчасидан водопровод қувурини ўтказиш муносабати билан

31 ИЮЛДАН БОШЛАБ

АВТОТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ

ТЎХТАТИЛАДИ

1 МАЙ ВА АМИР ТЕМУР КЎЧАЛАРИ МУЮЛИШИДАН БОШЛАБ

АВТОТРАНСПОРТ ҲАРАКАТИ

Алишер Навоий, Шароф Рашидов, Абдулла Қодирий, Амир Темур кўчалари бўйлаб, сўнгра ўз йўналиши бўйича

ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Трамвай ҳаракати ўзгаришсиз қолади.
«ТОШКЕНТ ШАҲАР ЙЎЛОВЧИ» ДАВЛАТ УЮШМАСИ.

ДИҚҚАТ!

«ТОШКЕНТҚУРИЛИШ» корпорациясининг

ЎҚУВ МАРКАЗИ

ишчиларни сувоқчи-бўёқчи касбига ўқитади ва ишга жойлаштиради.
Ўқиш даврида стипендия тўланади.
ЎҚИШ МУДДАТИ — 2 ОЙ.
Манзилимиз: Чилонзор даҳаси, Оқтепа майдони, Лутфий кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 78-05-15, 78-05-17, соат 8 дан 17.00 гача, шанба ва якшанбадан ташқари (4, 9-трамвайлар; 13, 29, 34, 36, 43, 70, 77-автобуслар; 12-троллейбуснинг «Оқтепа» бекати).

ДИҚҚАТ!

Иситиш мавсумига тайёргарлик кўриш муносабати билан

2—6 АВГУСТ КУНЛАРИ

9-«ЯНГИ ЧИЛОНЗОР» иссиқлик ишлаб чиқариш марказини тўхтатиб туриш ва қуйидаги ҳудудларга иссиқ сув беришни тўхтатиш режалаштирилмоқда:
ЧИЛОНЗОР даҳаси — 22, 24, 25, 26, 30, 31-мавзелар;
АЛ-ХОРАЗМИЙ ва «ҚИЗИЛ ШАРҚ» даҳалари.
Маълумот олиш учун телефон: 62-68-38.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ.

В. А. БУГАЕВ НОМИДАГИ ЎРТА ОСИЕ ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ

илмий-дала агрометеорологияси лабораторияси ва қишлоқ хўжалик метеорологияси бўлими ИЛМИЙ ХОДИМИ вакант вазифасига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ ИККИ ҲАФТА.

Ҳужжатлар илмгоҳ раҳбари номига қуйидаги манзилгоҳга юборилади: 700052, Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими, Обсерватория кўчаси, 72-уй. Телефон: 39-83-50.

«СРЕДАЗЭЛЕКТРОСЕТЬСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

геодезист;
бульдозер машинистлари;
тасма занжирли кранларнинг машинистлари;
автокранларнинг машинистлари;
«Д, Е» даражали ҳайдовчилар;
экскаватор машинистларини

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

15—30 фоиз ҳажмида туман коэффициенти тўланади. ИШ КЎЧМА ХАРАКТЕРГА ЭГА. ЕТОҚХОНА МАВЖУД.
Маълумотлар олиш учун ҲАМЗА тумани меҳнат биржасига ёки «СРЕДАЗЭЛЕКТРОСЕТЬСТРОЙ» трестининг ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА — Турсунхўжаев кўчаси, 2 «а» уйга учрашилсин. Телефонлар: 90-36-39, 92-47-89.

---

* *Оқшом суҳбатлари*

ҲАЁТ ВА САЛОМАТЛИК

Бугунги кунда, сир эмаски, Америка Қўшма Штатлари аҳолиси турмуш даражаси жиҳатидан дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторида саналади. Мамлакатнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ютуқларга эришишида аҳоли орасида кенг кўламда олиб борилган соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш тадбирларининг роли жуда катта бўлган десак адашмаймиз. Бугунги суҳбатимиз АҚШда мана шу борада амалга оширилган ишлар ҳақида.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, айниқса, асримизнинг 70-йилларига келиб Америка Қўшма Штатларининг соғлиқни сақлаш борасидаги сиёсатида янги, ижобий йўналиш кўзга ташлана бошлади. Бунинг бир неча сабаблари бор эди.

Энг аввало ҳукумат раҳбарлари мамлакатнинг молиявий, иқтисодий аҳволидан хавотирда эдилар. Чунки кўп йиллардан буён давом этаётган пул қадрсизланиши барча жабҳалар каби соғлиқни сақлашга ажратилаётган маблағ миқдорини ҳам янада оширишни талаб этарди.

«Юнайтед Стейтс ньюс энд Уорлд рипорт»нинг хабарига кўра, 1950 йилдан 1980 йилга қадар фақатгина тиббиётга ажратилган маблағ миқдори 12 миллиарддан 229 миллиард долларга етган ёки 20 марта, нарх-навонинг инфляция ҳисобига кўтарилишини назарда тутсак 4 марта ошган. 1978 йилда эса соғлиқни сақлаш учун давлат хазинасидан «чегирилаётган» сарф-харажат миқдори (185 миллиард доллар) мудофаа ишларига берилган харажатлардан 55 миллиард доллар кўп бўлган. Лекин шунисқизиқки, давлат томонидан ушбу харажатлар қилинаётганига қарамай АҚШ аҳолисининг саломатлигида ижобий томонга ўзгариш сезилмади, аксинча, юрак-қон томири хасталиклари билан оғриганлар, рак, диабет касаллиги ҳаётига зомин бўлганлар сони ошиб бораверди, бу эса табиийки, хусусий ва давлат корхоналаридаги ишлаб чиқариш унуми, уларнинг даромадларида ўз аксини топди. Шундан сўнгтина АҚШнинг етакчи доираларида иқтисодиётдаги муваффақиятсизликларнинг асосий сабаби аҳоли жисмоний тайёргарлиги даражасининг ўта пастлиги ҳақидаги масала тез-тез муҳокама қилина бошланди. Жисмоний тарбия ва спорт бўйича Президент Кенгаши ходимлари томонидан тайёрланган махсус ахборотда катта ёшдаги америкаликларнинг атиги 37 фоизи спорт билан шуғулланиши, 62 фоизи эса семизликдан азият чекиши ҳақида аниқ маълумотлар келтирилгани буни яна бир карра исботлади.

50-йиллар охирларида Президент маҳкамаси ҳузурида мамлакатдаги спортга боғлиқ барча ташкилотлар, ассоциация, компаниялар ишини мувофиқлаштириб, улар билан ҳамкорликда оммавий соғломлаштириш тадбирлари уюштирувчи, мана шу мавзуда китоблар нашр этувчи жисмоний тарбия ва спорт Кенгаши ташкил этилди. 60-йиллар давомида Кенгаш томонидан мамлакат миқёсида юқори қон босимига қарши, асаб ва руҳият хасталикларини камайтириш, чекиш ва ичишга қарши оммавий ҳаракатлар ўтказилгани унинг аҳоли орасидаги шуҳратини янада юксакроқ кўтарди. Айниқса, Кенгашга спортга бевосита алоқадор бўлган, машҳур шахсларнинг раҳбарликка тайинланиши ҳам кучли тарғибот усули сифатида ўз натижаларини берди, 1978 йилдан бошлаб эса Кенгаш ўз фаолияти ва режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида маълумот бериб борувчи матбуот органига эга бўлди.

Хўш, Кенгаш раҳбарлиги остида ўтказилган тадбирларнинг қайси жиҳатларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин ва улар қандай натижалар берди?

Биринчидан, соғлиқни мустаҳкамловчи табиий усуллар, машғулотлар — югуриш, велосипед спорти, чиниқиш ва ҳоказолар ёрдамида хасталикнинг олдини олиш ва шу йўл билан қимёвий дорилар истеъмол қилишни кескин камайтиришга эришишга ҳаракат бошланди.

Иккинчидан, спортнинг югуриш турини қисқа муддатда катта фойда келтирадиган, шу билан бир пайтда **жуда кам маблағ талаб этадиган** асосий соғломлаштириш қуроли сифатида кенг тарғиб этилди.

Югуриш ва пиёда юришдан сўнгги ўринни оммавийлик жиҳатидан велосипед спорти эгаллади. Ҳатто АҚШ конгрессининг 95-сессиясида Президент Картер тўрт йил давомида велосипед йўлаклари қурилиши учун 80 миллион доллар ажратилиши ҳақидаги фармонга имзо чекди. Бундан ташқари унинг ташаббуси билан мамлакатда электр нурини иқтисод қилиш ва бунинг учун велосипеддан асосий транспорт воситаси сифатида фойдаланишни ўрганиш бўйича «Энергия ҳақидаги миллий қонун» дунёга келди. Спорт Кенгаши маълумотларига қараганда 1972—1976 йиллар мобайнида америкаликлар сотиб олган велосипедлари сони автомобилларга нисбатан 10 миллион дона кўп бўлган.

Учинчидан, кенгаш ўз олдига аҳолининг барча қатламларини спорт билан шуғулланишга жалб этишни мақсад қилиб қўйди, бунинг уддасидан чиқди ҳам. Масалан, унинг бевосита ташаббуси билан бу ишга штатлар губернаторлари, шаҳар мэрлари, тадбиркорлар, ишбилармон шахслар тортилди. Масалан, «Саноат ва тадбиркорликда жисмоний тайёргарликка масъул директорлар Ассоциацияси»нинг аъзолари сони 1975 йилда 39 та эди, 1978 йилга келиб эса улар 700 кишини ташкил этди.

Тўртинчидан, соғломлаштирувчи югуришни жисмоний машғулотнинг асосий тури сифатида танлаб олган Кенгаш матбуот воситаларининг таъсир кучидан унумли фойдаланди. Газета-журналлар орқали аҳоли номига югуриш билан шуғулланишга чақирувчи мурожаатномалар қабул қилинди, шунисқизиқки, уларга спорт билан шуғулланиш давлатнинг тиббиётга сарф қилинаётган қанча маблағини тежаб қолиши мумкинлигини кўрсатувчи аниқ рақамлар илова қилинарди. Бундан ташқари барча истовчиларга югуришга бағишланган бепул қўлланмалар тарқатилди. «Ўзингиз учун югуринг» номли фильм яратилиб бутун мамлакат кинотеатрларида бепул намойиш этилди. Нью-Йоркда биринчи маротаба югуришни бошловчилар учун Кенгаш ва ҳаёт суғуртаси компанияси томонидан 12 ҳафталик курслар очилди.

Бешинчидан, давлат раҳбарлари мунтазам равишда спорт билан (жумладан Картер югуриш орқали, Буш гольф ўйнаб) шуғулланиб фуқароларини ҳам бу ишга руҳлантиришга ҳисса қўшдилар.

Қисқаси, саъй-ҳаракатлар беиз кетмади. Бу ҳолни Президент ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт Кенгашининг ҳар куни югурувчиларга мўлжалланган қўлланмалар юбориш сўралган минг (!) дан ортиқ мактуб ола бошлагани, 4 миллиондан ортиқроқ мактаб ўқувчиси ўқишдан бўш пайтларида енгил атлетика билан шуғулланишга меҳр қўйгани, жарроҳ Ж. Ричмоднинг, 70-йилларда юрак-қон томир хасталиги билан ҳаётдан кўз юмаётганларнинг сони 22 фоизга, қўққис — юрак хуружидан вафот этаётганлар сонининг 30 фоизга камайгани ҳақидаги мисоллари исботлаб турибди.

Умумхалқ ишидан тиббиёт ходимларининг аксарият қисми ҳам четда қолмади. Улар касалликнинг олдини олиш ишига ҳисса қўшмоқ истагида 70-йиллардан бошлаб Нью-Йоркда «Америка саломатлик жамғармаси» (АСЖ) ташкил этдилар. 1972 йилдан бошлаб эса «Превентив медисин» номли журналга асос солдилар. Унинг саҳифаларида таниқли олимлар, тиббиёт ходимларининг хасталикларнинг олдини олиш, табиий усуллар, жумладан, жисмоний машқлар ёрдамида даволаш йўллари ҳақидаги мақолалари эълон қилина бошланди. Айниқса, АСЖнинг соғлиқни сақлаш иқтисодиёти бўлими ходими М. Кристайннинг мазкур журналда (1977 йил 2-сон) чоп этилган мақоласи диққатга сазовордир. Унда 1975 йилда АҚШ энг кўп тарқалган тўрт хасталикдан бевосита ва билвосита қанча зарар кўргани ва олиб борилаётган соғлом турмуш тарзи тарғиботидан сўнг қанча маблағ тежаб қолиниши мумкинлиги ҳақида далиллар келтирилганки, улар билан танишиш муштарийларимизга ҳам қизиқарли бўлса керак.

а) Юқори қон босими. АҚШда бу хасталикка чалинганлар 20 миллион кишини ташкил этади. Йиллик зарарнинг умумий миқдори — 15,9 миллиард доллар. Касалликнинг олдини олиш (профилактика) эса 2—4 миллиард долларни ташкил этади. Демак, бир йил давомида профилактика ёрдамида 50 фоиз ёки 8 миллиард долларни тежаб қолиш мумкин.

б) Йўғон ичак раки (АҚШда бу касаллик рак касалликлари бўйича иккинчи ўринда. Йиллик ўлим миқдори — 100 минг киши). Махсус парҳезга ўтиш билан 17 минг бемор умрини узайтиришга эришиш мумкин эди. Кўрилаётган зарардан тежаб қолиниши мумкин бўлган маблағ миқдори йилига 280—950 миллион доллардир.

в) Чекиш. Молиявий зарар — 20,3 миллиард доллар (бир йилда). Агар профилактик тадбирларга 2,75 миллиард доллар сарфланса, бир йил давомида 5,1 миллиард долларнинг ҳавога совурилиши олди олинади.

г) Ичкиликбозлик. Аҳолисининг 9 фоизи пиёниста, 4,8 миллионта оиланинг ҳеч бўлмаганда бири ичкиликка ружу қўйган АҚШ, айниқса, бу ўлатдан энг кўп зарар кўради. 1975 йилда йиллик зарар 33,6 миллиард долларни ташкил этган. Ичкиликбозликка қарши кураш давлатга йил давомида 20,2 миллиард доллар даромад келтириши мумкин, ана шу маблағнинг 6 миллиарди профилактик тадбирларга сарфланса, 14 миллиард доллар соф фойда сифатида қолади.

Албатта, гап фақат пулни тежаш устида бораётгани йўқ, бу ҳаёт ва саломатлик масаласи ҳамдир. Фуқаролари соғлом давлатнинг гўзаллиги, келажаги порлоқ бўлади.

Шуҳрат АРМОН тайёрлади.

Билиб қўйган яхши

◎ Ер юзидаги энг кўҳна ботаника боғларидан бири Шри-Ланканинг Канди шаҳридаги боғ ҳисобланади. Унга 1371 йили Қирол саройида асос солинган эди.

Ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан олиб қараганда мазкур ботаника боғи ўз мақомига 1821 йили эга бўлди. Боғ ҳудуди 60 гектар ердан иборат. Унинг хиёбонларидан машина ва автобусларда ҳам ўтса бўлади.

◎ Дунёда энг қадимий тухум Нью-Йоркдаги музейларнинг бирида сақланади. Бу улкан тухум бундан 12000.0000 йил илгари яшаган ўрғочи динозаврнинг тухумидир.

◎ Дунёдаги барча давлат рамзлари ичида ажралиб турадигани ва энг мураккаби Данияннинг давлат рамзи ҳисобланади. Унда кумуш хоч, оққуш, олтин тахт, суворийли от, учта тож, отнинг боши, 6 арслон, қўй, айиқ, 16 та юрак ҳамда аждаҳо расмлари акс эттирилган.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Табриклаймиз

Ҳурматли адажонимиз ҳамда азиз буважонимиз, ўз ўқувчиларининг жони дили бўлган, «Тошкент оқшоми» газетасининг фаол жамоатчи мухбири, меҳнат фахрийси, Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар бошқармаси соқчилик хизмати бўлимининг 5-бригадаси соқчилари бошлиғи вазифасини нуқсонсиз бажариб келаётган Абдулла Толип ўғли, сизни 30 июль куни қутлуғ 57 ёшга тўлишингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизга узоқ умр ва бахт-саодат тилаб қолувчи рафиқангиз Мастура, фарзандларингиз Дилнавоз, Дилафрўз, Алишер, Фахриддин, Жўрабек, набираларингиз Санжарбек, Фаридахон ва Нилуфар.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

Тошкент оқшоми

МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет. Қоғоз бичими А—2
Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30

■ Босмага берилди 11.20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6